

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
Ҳ. С. СУЛАИМОНОВ НОМИДАГИ
ҚУЛЕЗМАЛАР ИНСТИТУТИ

ШАРҚ КЛАССИКЛАРИ МЕРОСИДАН

АЛИШЕР НАВОИЙ
ҲИКМАТЛИ СҮЗЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитетининг нашриёти
Тошкент — 1985

Р е д к о л л е г и я: Аҳмадхўжаев Э. Т., Жабборов Ж. Ж.,
Қаюмов А. П., Пармузин Б. С., Шомуҳамедов Ш. М.

*Ушбу китобчада улуг ўзбек шоири ва мутафаккири
Алишер Навоийнинг асарларидан олинган ҳикматли
сўзлари тўпланган.*

*Улар кишиларни ахлоқ-одобга, маърифатга, сабр-
қаноатга, инсоф ва саховатга, эзгулик-яхшиликка, дўст-
ликка, бирдамликка, тинчлик, меҳнатга, муҳаббатга,
тўғрилик ва ростгўйликка, адолатга, гўзалликни эъзоз-
лашга чорлайди. Юксак инсоний идеалларни тарғиб
этувчи бу ҳикматлар ўзининг моҳирона бадиий ифодаси-
га эга бўлиши билан янада қимматлидир.*

**Тузувчилар: Алибек Рустамов
Марям Раҳматиллаева
Муҳаррир: Азиз Қаюмов
Такризчи: Фозила Сулаймонова.**

Н 4702570100—000 42—85
М 359(04)—85

© Издательство ЦК Компартии Узбекистана, 1985.

СҮЗ БОШИ

Улуғу азиз бобомиз Алишер Навоий ўзининг «Маҳбубу-л-кулуб» номли асарида, хусусан унинг учинчи кисмида жуда кўп инсон ҳёти, тарбияси учун фойдали бўлган фикрларни афоризм шаклида берган. Аммо бу азизнинг бошқа барча асарларидаги — беш достонни ўз ичига олган «Хамса», тўрт лирик девондан иборат «Хазойину-л-маоний», «Мезону-л-авзон», «Муҳокамату-л-лугатайн», «Назму-л-жавоҳир», «Насойиму-л-муҳаббат» ва бошқаларидаги ҳар бир сўз ҳикматдан, кишиларни ахлоқ-одобга, маърифатга, сабр-қаноатга, инсоф-саховатга, яхшиликка чорлашдан коли әмас. Шоирнинг ҳикматлари на замону замин, на мазҳабу дин ва на ижтимоий тузуму сиёсий туркум жиҳатидан чекланган. Чунки унинг илму амали, армону ижоди ҳолисона, истисносиз инсон хизматига қаратилгандир:

Одамий эрсанг, демагил одамий /
Аники, йўқ ҳалқ гамидин гами.

«Хайрату-л-абброр» достонидан келтирилган бу ҳикматли байт Навоийнинг бутун фаолияти ва ижодиёти учун етакчи шиордир. Навоий инсонни севади, уни ардоқлайди, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиласди ва баҳт-саодати учун курашади. Навоий севган инсон ёмон иллатлардан тўза, мусаффо, фозил ва комил инсондир. У меҳнаткаш, ижодкор, ўз касб-ҳунарини, лавозимини мукаммал эгаллаган, меҳнати ва заковати, фаолияти ва интилиши билан ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам манфаат етказувчи инсондир. Алишер Навоий ҳамманинг ҳам ана шундай инсон бўлишини орзу қиласди. Шоирнинг юксак ҳалқпарварлик гояси олий бадиий шаклда ифода этилган бу мисраларни ҳозирги кунимизда ҳам миллионлаб киши ёддан билади.

Шоир ҳикматларида ҳар томонлама ҳурматга сазовор инсон: эл-юрт аҳволини яхшилашга кўмаклаша олувчи, мамлакат ободонлиги ва тараққиётини ривожлантиришга қодир илм-маърифатли олим, фозил кишилар улуғланади.

Кишига печа келса мушкил ҳол,
Ҳикмату ақл анга эрур ҳаллол,—

каби ҳикматли байтларда шоир кишиларни илмли бўлишга, ўрганган илмларини эса ҳалқ хизматига кўйишга чақиради. Аксинча, илмидан ҳалқ манфаатдор бўлмаган, илмини бойлик тўплаш манбай деб ҳисобловчи олимларни Навоий каттиқ қоралайди.

Шоир ҳикматлари ҳаётнинг турли-туман томонларини беистисно ўз ичига олган. Уларда инсон мұҳаббати, вафодорлик, дўстлик, илм-маърифат фазилатлари, сахийлик, қарам, сабр-қаноат, меҳнатсеварлик хусусиятлари, оила, фарзанд тарбияси, ватанпарварлик, инсонпарварлик, одоб-тавозуъ, мулоимлик, садоқатлилик, ростгўйлик, тўғрилик, ширинсуханлик, юмшок кўнгил, камтарлик, меҳрибонлик, ўзгалар манфаатларини ўз манфаатидан устун қўйиш каби хусусиятлар мадҳ этилади. Чин инсонийликка зид бўлган хусусиятлар — такаббурлик, ялқовлик, ёлғончилик, фирибгарлик, жоҳиллик, баҳиллик, очкўзлик, фитна-фужур ичкиликбозлик, аччиқ сўзилик, дилозорлик, нодонлик, хушомадгўйлик, қаноатсизлик, шошма-шошарлик, одобсизлик, баднафслик, ўринсиз шуҳрат учун мол-дунё сочиш кабилар каттиқ танқид қилинади. Навоий инсонларни мана шундай иллатлардан холи кўришни орзу қиласди. Шоир агар инсон яхши бўлса, бошқаларга яхшиликтни раво кўрса, ўзига ҳам яхшилик албатта қайтади, деган фикрни уқтиради. Шунинг учун ҳам «Яхшилик жазоси йўқтур — бажуз яхшилиқ» — дейди.

Шоир кишиларни раҳмдил, саҳоватли бўлишга чақирав экан, саҳоватсиз кишиларни жуда оддий қилиб: «Саҳоватсиз киши — ёнгинсиз абр-и баҳор», — дейди. Навоий оиласда аёлларнинг ўрни масаласига алоҳида эътибор ва зўр ҳурмат билан қарайди. У оиласнинг тинчлиги, уйнинг оройиши, гўзаллиги, фазилатини ўша оиласдаги аёл билан боғлайди: «Уйнинг оройиши андин, уйлукнинг осойиши андин».

Шоир аёлларнинг оиласдаги юксак ролини юкори баҳолайди, хотин-қизларнинг ижтимоий ролини улуғ-

лайди. Эркакларни хушахлоқ, пок табиат, оқила, саранжом аёлларни қадрлашга даъват этади. Ўрта аср феодализми шароитида, диний тушунчалар гоят ҳукмрон бўлган бир даврда Навоийнинг хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиши, уларга юксак ҳурмат билан қарashi алоҳида аҳамиятга моликдир.

Навоий ўз бойлиги, мол-дунёсини муҳтожлар учун, ўзгалар манфаати учун сарфловчиларни олқишилаб, ҳалқ ҳисобига бойлик ортирувчиларни, ўзгалар ҳақидан ҳазар қилмайдиганларни инсон қаторидан ўчиришга қарор қиласди:

Кишида барча ахлоқи ҳамида
Чу жамъ ўлди, кўярлар отин эҳсон.
Бири андин саходур, бир мурувват,
Булар гар йўқтур, инсон эрмас инсон.

Навоий ҳикматларида меҳнат аҳлига алоҳида меҳр-муҳаббат, алоҳида ҳурмат намоёндир.

Касб-ҳунар аҳли, дехқон аҳли шоирнинг самимий меҳрига сазовор эканлиги улар ҳақидаги ҳикматлардан кўриниб туради.

«Дехқонки дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар», «олам маъмурлиғи алардин, олам аҳли масрурлиғи алардин» дея меҳнаткаш дехқонларни шарафлайди шоир.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Алишер Навоий ўз ҳикматлари кишиларга ўрнак бўлиши, яхшилик ва ёмонликни белгилашда, гўзалликни эъзозлаш, эзгулика интилиш ва ёмонликдан ўзларини йироқ тутишларида бир дастуриламал бўлишини умид қиласди.

Бинобарин бизнинг давримизда ҳам ва бундан кейинги даврларда ҳам Навоий асарларидағи ҳикматли сўзларидан бальзилари алоҳида китобчалар шаклида нашр этилиб туриши ўддий, лекин қўй хайрли ишлардандир.

Навоийнинг ҳикматли сўзлари Совет Ўзбекистонида турли адаб ва олимлар гайрату ҳиммати туфайли «Афориэмлар», «Ҳикматлар» ва «Ҳикматли сўзлар» деган номлар билан босилиб, ўқувчиларга тақдим этилди. Мазкур китобчаларни 1941, 1947, 1961 ва 1968 йилларда Ҳоди Зариф, Солих Муталлибов ва Ҳамид Сулаймон нашрида Навоийнинг ҳикматли сўзлари оригиналда, русча, немисча, инглизча, французча, форсча ва японча таржималари билан, С. Муталлибов нашри ҳозирги

тилдаги баёни билан берилди. Навоийнинг афоризмлари 1970 ва 1973 йилларда Польша Демократик Республикасида ҳам нашр этилди.

Қўлингиздаги китобча мазкур нашрларнинг мазмунан ва шаклан бир оз ўзгартирилган вариантидир. Бунда ҳикматли сўзларни мавзууга кўра гурухлаштириб бердик ва ҳар гурухга навоийона ибораю услугуб билан ўзимиздан сарланча қўйиб чиқдик. Зарур ўринларда Навоийнинг сўз ва ибораларига китобчанинг охирги қисмида изоҳ ва шарҳлар берилди.

**А. Рустамов
М. Раҳматиллаева.**

**НАФЪ ЕТКУРМАК МАНФААТИЮ
ЗАРАР КЎРСАТМАКНИНГ МАЗАРРАТИ**

Нафъ тегурмакки, шиор айладинг,
Ўзунга ул нафъни ёр айладинг.

*

Нафънинг агар халқقا бешакдуурур,
Билки, бу нафъ ўзунга кўпракдуурур.

*

Хайр мұяссар гар эмас эл била,
Нафъ текурмак ҳам ўлур тил била.

*

Сўз била нафъ ўлмаса эл пешаси,
Яхши керак қўнглида андешаси.

*

**Одамий эрсанг, демагил одамий
Аники, йўқ халқ гамидин гами.**

*

Улки, заарар шевасини тавр этар,
Элга демаким, ўзига жавр этар.

*

Улки, ушатур босибон шишани,
Қилмас оёқ захмидин андешани.

*

Чун кўпалақ қасдига азм этти ёш,
Ерга урар бўркин очиб ўзи бош.

*

Кимки, фалак сори отар тошини,
Тош ила озурда қилур бошини.

*

Сифла нишонаси шароратдуур,
Шуълага биттабъ ҳароратдуур.

*

Эронлар хидматига улки умрии сарф этар, агарчи умри
кетар, аммо жовид умрига этар.

*

Эронлар хидматидин чекмагил бош,
Гар бошингга гардундин ёгар тош
Ки гар ул тош ила бошинг ушалгай,
Саодат хаттидур, гар захми қолгай.

*

Қобилга тарбийят қилмамоқ зулмдуро нокобилга
тарбийят ҳайф. Ани адам-и тарбийят била зойиъ қилмаю
мунга тарбийяtingни зойиъ қилма!

*

Қобилга тарбийят ул навъким, гуҳар
Тушса најкосат ичра, юғай ани кимса пок,

**Гар ит узумига киши май бирла берса су,
Бу тарбийят била қила олгайму ани ток?!**

*

**Яхшилиқ ёмонлиқни ким қилдиким, жазо кўрмади,
Салоҳу фасод тухмин ким эктикаим, ўрмади?!**

*

**Яхшилик тухмини сочқилким, будур дехқонга сўз:
Ҳар неким, эктинг бугун, ёрин¹ ҳамон тут ани кўз!**

*

**Ҳар кишиким топса даврон ичра жоҳу эътибор
Ким, анинг зотида бедоду ситам бўлгай қилиғ.
Яхшилиғ гар қилмаса, бори ёмонлиғ қилмаса,
Ким ёмонлиғ қилмаса, қилганча бордур яхшилиғ.**

*

**Қатиқ кўнгулдин оқти халқ ёши
Ки, ёмғур боисидур яда тоши.**

*

**Кеча яшнар қурт забона ишин қилмас
Ва купалак парвона ишин.**

*

**Меҳнат аро ҳар кимки тахаммул йўқ анга,
Тарвижга мутлако тахайюл йўқ анга.²**

*

Ишидин анга ҳосил ўлмас фароғ,
Емай кўп узун кеча дуд-и чароғ.

*

Муфид ашёга доим иштиғол эт,
Вале бор ишда майл-и эътидол эт³.

*

Муҳит ичра чўммай нечукким наҳанг,
Киши урса бўлгайму гавҳарга чанг?!?

*

Киши муҳр аро ҳар на қилса нигор,
Варақда ҳам ул нақш ўлур ошкор.

*

Кимгаки эрлик асари ёрдур,
Бир демас ар қилгани минг бордур.

Киши ханзал экса ачиғ бар топар,
Ва гар найшакар экса шаккар топар.

*

Ҳар ким аён этса яхши қилик,
Етар яхшилиқдин анга яхшилик.

*

Ҳар ранждин сўнг бўлур роҳате,
Таабсиз мұяссар әмас ишрате.

*

**Ереки, тегар биревга озори анинг,
Ақл оллида тенгдурур йўқу бори анинг.**

*

**Чу элга берур парвариш рўзгор,
Керак андог-ўқ бўлса омузгор.**

*

**Киши агар киши бўлса ўзин киши демагай,
Қилурда ҳеч ишин ҳам киши иши демагай.**

*

**Кимки деҳқонлиғ айлади пеша,
Даги нон бермак ўлди анга шиор.
Бўйла кимса улувв-и рифъатдин
Одам ўлмаса, одамий худ бор.**

*

**Агар золимга йўқдур шоҳдин бок,
Эрур ул хушдилу, мазлум гамнок.**

*

**Агар нафъдин бўлса маҳзан йироқ,
Анинг лаълидин хора кўп яхшироқ⁴.**

*

**Бўриғаки, қўй бўғмоги пешадур,
Шубон меҳнатидин не андишадур?**

*

Агар яхшилик кимга афъолдур,
Жазоси аният ганжи иқболдур.

*

Агар қўй бўри хайли помолидур,
Яқин билки, чўпонга ит ҳолидур.

*

Гулга саҳар вақти берур жилва боғ,
Кечга етушсанг терар ўғлон ушоғ.

*

Икки қадам ёнгуча еткач алам
Саъи қилу, илгари қўйгил қадам.

*

Икки қаро пул чекибон дастранж,
Яхшироқ андинки, шаҳ инъоми ганж.

*

Нахлга дехкон берур парвариш,
Бўлур анга меваю гул бермак иш.

*

Синса қаламнинг шақидин бир учи,
Ожиз ўлур нома ракам қилгучи.

*

**Неча самар сочмоқ эса шох иши
Кўпрак отар тош анга терган киши.**

*

**Топсанг неча шаҳлар узра шаҳлик,
Фақр аҳлига айла хокраҳлик.**

*

**Хас агар ўт била ситеz айлар,
Ҳам ўзидин ул ўтни тез айлар.**

*

**Шамъ ёрутур уй ичу тошини,
Уй эгаси кўпрак узар бошини.**

*

**Шаҳ тилар бўлса шаҳлик қилмоқ,
Сипоҳидин керакмас айрилмоқ.**

*

**Меҳнат ародур күшод топмоқ билгил,
Ранж ичрадурур мурод топмоқ билгил.**

*

**Хушо улки, умрин табоҳ этмади,
Қилур ишларин қилмайин кетмади.**

*

Фатила дод учун ўт солса ҳар дам,
Агарчи куйдуур, лекин куяр ҳам.

КҮНГУЛ МАМЛАКАТИЮ ИШҚ САЛТАНАТИ⁵

Күнгүл эрур булбул-и бўстон-и роз⁶.
Кудс ҳаримида⁷ бўлуб жилвасоз,

Ройихай-и⁸ жанинат-и аъло ҳам ул,
Партав-и мисбоҳ-и тажалло⁹ ҳам ул.

*

Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ андоқки кўнгул каъбаси¹⁰.

*

Кўнгүл бадан мулкининг подшоҳидур, анга сиҳҳат,
мунга ҳам сиҳҳат, анга табоҳий¹¹, мунга ҳам табоҳий-
дур¹².

*

Улким, кўнгүл мулкининг соҳибжоҳи¹³ бўлгай, шоҳлар
шоҳи бўлгай¹⁴.

*

Бадан салоҳу фасоди кўнгүл салоҳу фасодига тобиъдур
ва мулк ободу хароблиги шоҳ адлу зулмига рожиъдур¹⁵.

*

Подшоҳ мулк баданинг жонидур ва кўнгул бадан мулкининг султонидур.

*

Мулк учун керактур хусрав-и кишварпаноҳ, тан учун ул узвким¹⁶, бўлди бадан мулкида шоҳ¹⁷.

*

Кўнгул маърифат боғидин ваҳдат¹⁸ раёҳинининг¹⁹ эскан насимидур ва руҳоният гулистонидин ошнолик гулларининг шамимиdur²⁰.

*

Ҳусн малоҳатин идрок қилғучи ҳам кўнгул,
Ишқ ўти ёлинига ёқилғучи ҳам кўнгул.

*

Дард аҳлининг²¹ нафаси бир ўтдурким, қатиг кўнгулни юмшатуру кўзни йиглатур ва сўз²² аҳлининг дами бир елдурким, ананийят²³ хошокин совуруру газабийят туфроғин супурур.

*

Ошиқ иши ажзу ниёз ва ишқ далили сўзу гудоз²⁴.

*

Киши ўзни ясаган била бўлурму ошиқ,
Субҳ-и козиб ёрумас эйлаки²⁵ субҳ-и содиқ.

*

Дўст висолин тилар бўлсанг, ошиқ бўл ва агар ўзлугунг
била бўла олмасанг, ошиқлар теграсига эврул! Ул ўт
шуъласи агар сенга ҳавасдур, бир шарап²⁶ сенинг сари
юзланса, басдур.

*

Ишқ бир ўтдурки, анинг шуъласидин бир шарап
Тушса, гардун пардасига ўртар андоқким ҳарир.
Сенки, жисминг парда торидин доги бўлғай нахиф,
Тушса ул янглиғ чоқин²⁷ тўзарму ул тор-и ҳақир?!

*

Пок ҳусн аҳлики, хуштур лутфи ҳам, эҳсони ҳам,
Саъб²⁸ эмиш пок элга анинг васли ҳам, ҳижрони ҳам.

*

Қайдаки ишқ ўти бўлуб шуълакаш,
Ақл ўлуб ул ўт уза хошокваш.

*

Қайси кўнгулники, макон этти ишқ,
Ўтдин ани лаълға кон этти ишқ.

*

Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун!
Ишқсиз ул танки, анинг жони йўқ,
Ҳуснин нетсун кишиким, они йўқ.

*

Ишқ әрур дурру кўнгул дурж²⁹ анга,
Балки қуёш ишқу кўнгул бурж анга.

*

Ишқ аён қилмоқ әрур ҳусн иши,
Эйлаки ўт шамъ ила ёққай киши.

*

Ҳар нечаким ҳусн диловезрак³⁰,
Ишқ ўти эл кўнгли аро тезрак³¹

*

Лутфу тароват нечаким гулда кўп,
Ҳасратидин гулғула булбулда кўп.

*

Ишқ эритур ақли ситамкорани,
Шуъла нечукким су³² қилур хорани³³.

*

Ошиқ ўзин ким деса, ошиқ эмас,
Барча киши ишқда содик эмас.

*

Улки, кезиб ҳусн писанд айлагай,
Сўнгра кўнгулни анга банд айлагай.
Ани кўнгул демаки, бир пора тош,
Не қизигай шамъ ўтидин хора тош.

*

Ошиқ ани билки, эрур дарднок,
Ҳам тилу ҳам кўзию ҳам кўнгли пок.

*

Дардлиғ кўнгул шуълалиғ чароғ, ёшлиғ кўз сулуғ булоғ.

*

Мажоздин³⁴ манга мақсуд эрур ҳақиқий ишқ³⁵,
Нединки аҳл-и ҳақиқатқа бу тариқат эрур.
Мажоздин чу ҳақиқатқа йўл топар ошиқ,
Килур мажозни нафй³⁶ улки, баҳақиқат эрур³⁷.

*

Кўрмаса ҳусн мажози ичра жуз ҳақ сунъини
Ошиқеким, бўлса ишқ атвори ичра покбоз,
Зоҳидо, бу ишқдин манъ айлама ошиқниким,
Гар сен идрок айласанг, айн-и ҳақиқатдур мажоз.

*

Ҳар неким бақоси пайваста эмас, парадишишқа шойиста
эмас.

*

Ҳар неким бебақодур, анга кўнгул боғламоқ хатодур.

*

Мушкил эмас ишққа жон ўртамак,
Ўтқа не душвор жаҳон ўртамак.

*

Бир шарари зуҳд жаҳонига бас,
Барқ ила неткай кўп ўлуб хору хас.

*

Ўтка тушуб пок бўлур кимки гаш,
Покрак ўлгай ўт аро покваш.

*

Ҳусни ҳақиқийни гар ўтруда кўр,
Хоҳ ани кўзгуда, гар суда кўр.

*

Чун гараз ул ҳуснга бўлди шуҳуд³⁸,
Кўзгуву суга ародаде не вужуд.

*

Ишқ сени қилса, Навоий, ҳалок,
Пок эса ул ишқ, ўлумдин не бок?!

*

Ишқ аҳлики, манзурдин³⁹ истарлар ком⁴⁰,
Ул ком керакки, бир назар бўлса, тамом.
Гар бўлса назорасида андиша-йи хом,
Кўзларга назар дағи ҳаром ўлди, ҳаром.

*

Гар ошиқ эсанг, меҳру вафо қилма ҳавас,
Дард истаю дафъяга даво қилма ҳавас,

**Ҳижрону висол мутлақан қилма ҳавас,
Дилдорингдин гайр-и ризо қилма ҳавас!**

*

**Гар ошик эсанг, зебу такаллуфни унут,
Яхшию ёмон ишта тахаллуфни⁴¹ унут,
Ўткан гар эрур ёмон, таассурни унут,
Келган гар эрур яхши, тасарруфни унут!**

*

**Фоний-и мутлақ ўлмайин солик,
Анга йўқтур умид-и мақсад-и кул,
Қаро туфроқга сингмаган қатра,
Андин имкони йўқ очилмоқ гул.**

*

**Солик-и озодани кўрсанг ғаний қилган дебон
Мол анииг манъ-и сулуки, қилмагил инкор анга.
Кема тийри мол аро бўлмиш муқайяд демагил,
Кўрки, онча мол ўлурму моннъ-и рафтор анга.**

*

**Эй кўнгул, тан тахтасин бу қаъри йўқ гирдобдин,
Истасанг соҳилга чекмак, билки, бу осон эмас,
Пиру истеъдоду тавфиқ ўлмаса бўлмас бу иш,
Кимдуурким, бағри бу ҳасратдин энинг қон эмас.**

*

**Кимки ўзлук иморатин бузди,
Бўлди нақди фано анииг музди.**

**Ул иморатни бузмайин солик,
Бўла олмас бу нақдга молик.**

*

**Ошиқеким, кўргай ул бир қатла ҳар кун ёрини,
Тенгрисига айладег⁴¹* юз қатла шукр изҳорини.**

*

**Агарчи ишқ аро бўлди мубаддал куфр ила диним,
Не ғам, чун поклик расмидуур бу ишда ойиним.**

*

**Агар ишқ дардидин менга юз минг уқубатдур,
Вале ҳамдардизлиғ андин ортуғроқ суубатдур.**

*

**Кишиким ёрини ҳар кун кўрарга ўрганур эрмиш,
Чу бир кун кўрмас эрмиш, бениҳоят эмганур эрмиш.**

*

**Бўлмагандур ҳусну ишқ ойинида, эй сарвиноз,
То абад бир ёндин истиғнову бир ёндин ниёз.**

*

**Парвонани ишқ этмаса маст,
Ургайму ўзини ўтқа пайваст.**

*

**Сўзки маъносида ишқ ўти бўлмагай.
Бир таҳарруксиз бадан англаки, жони бўлмагай.**

*

**Эрур қушга хушроқ чу боқсанг аён,
Мурассаъ қафасдин тикан ошён.**

*

**Гар ошиқ эсанг меҳру вафо қилма ҳавас,
Дард истаю дафъига даво қилма ҳавас.
Хижрону висол мутлақо қилма ҳавас,
Дилдорингдин гайри ризо қилма ҳавас.**

*

**Чу лола гунчаси зоҳир бўлур чог,
Неча кўнглида асрар ёшурун дод.**

**Бўлур гарчи очилған чоги маълум,
Бўлур аввал тошида доди маълум.**

*

**Ҳар кимки бирор ишқига бўлса дилбанд,
Жон риштасидин қилса керактур пайванд.**

**Гар гайр хаёли тушса кўнглига писанд,
Қилмоқ керак ул кўнгулни юз минг парканд.**

*

**Ошиққа гарчи заъфу маразлиқдуур мизож,
Маъшуқ зикри ул маразига эрур илож.**

ДҮСТЛУҚ ДАВЛАТИЮ ВАФО ХИСЛАТИ

Жумла жаҳон шоҳлигидин ори бор,
Кимки гадодур даги бир ёри бор.

*

Қилса бирор ҳамнафасу ёрлик,
Бўлғуси кўп гамга сабукборлик⁴².

*

Ер эрур андок гуҳар-и бебаҳо
Ким, анга муҳтоҷ не шаҳ, не гадо,

*

Ҳар киши оламда эрур ёрсиз,
Бир садафедур, дур-и шаҳворсиз.

*

Иўқ ҳунари, ёлғуз эса ўз киши,
Қайда киши сонида ёлғуз киши.

*

Фард⁴³ киши даврда топмас наво,
Елғуз овучдин ким эшитмиш садо?!

*

Ерсиз эл охи ғамандуд эрур,
Енса йигоч ёлғуз иши дуд эрур.

*

Яхши либос танға оройиш,
Яхши қўлдош жонға оройинш.

*

Ҳар кимки, бирор била ёрдур ёки ёрлик даъвоси бордур.
керакким, ўзига раво тутмагани ёрига раво тутмаса,
кўп нима ўзига ҳам раво тутса, анга тутмаса.

*

Ер улдурки, ҳар неким ўзига
Истамас, ёрига ҳам истамагай.
Ўзи истарки, ёр учун ўлгай,
Ани мундоқ шарик айламагай.

*

Киши айбинг деса, дам урмагилким, ул эрур кўзгу,
Чу кўзгу тийра бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму?!

*

Ерки, ойин-и вафо йўқ анга,
Шамъ кибидурки, зиё йўқ анга.
Шамъки, йўқ анда зиё тўшаси,
Ўтсиз эрур эйлаки муз шўшаси.

*

Ерки, бор анда вафо, ёр бил,
Умр деган ёр-и вафодор бил!

*

Ниҳоний игна санчар ёрлардин
Адувваш новакафганлар кўп ортуқ.
Мувофиқшева золим дўстлардин
Мухолиф табъ душманлар кўп ортуқ.

*

Фоғил ўлма, назардин итса адув,
Шамъ ўчурганда ел кўрунурму?!

*

Ҳар кўнгулниким, вафо маскан қилур, ҳаё ҳам қилур ва
ҳар маскандаким, ул топилур, бу ҳам топилур.

*

Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ,

*

Комиллар ахли ҳаё ва ноқислар беҳаё.

*

Одамий шарифу-л-кавнайндуру ит нажасу-л-айн,
аммо ҳақношуносу бевафо одамий ҳақшуносу вафолиг
итдин кам¹³.

*

Вафолиг қутуз ит яхшироқким, вафосиз барно йигит.

*

Бевафо ҳақношунос элдин йироклиқ истаким,
Келмади ҳаргиз алардин гайри бедоду жафо,
Итка итлик айламак жону кўнгул бирла бўлур,
Ҳақшунос ўлсаву бўлса анда ойин-и вафо.

*

Нодон дўстни ҳам дўст сонига киюрма,
хирад шамъин аниңг ҳарза афсонаси елидин ўчурма!

*

Ҳар кишини дема маҳраму ҳамроздурким, бу матоъ олам
аҳлида оздур⁴⁴.

*

Башар жинсин розингға маҳрам билма, балки малакни
ҳам ўзунгга маҳрам билма!

*

Замонда ҳусн әлига жон фидо қилиб, не навъ,
Вафони мен киби бир бенаво тамаъ тутқай.
Замона аҳлида йўқтур вафо не еткай анга
Ки, кимса хўблардин вафо тамаъ тутқай.

*

Кўрубмен анча гаму дард ошиналардин,
Чекибмен анча алардин алам ано бирла
Ки, тушса жоним ажал сайлиға, эрур хўброк
Ғариклиқки, халос ўлмоқ ошино бирла.

*

**Истасангким, кўрмагайсен бевафолиқ, эй рафик,
Килма олам аҳли бирла ошнолик, эй рафик.**

*

**Қардошиңг эмас улки қўюб бош сенга,
Давлат чоги қилгай ўзин кўлдош сенга⁴⁵.**

*

**Улус бўлса маъмур бир ганж эрур
Ки, андин жаҳон фатҳи осон бўлур.**

*

**Ҳар кимки, хирад йўли сари мойил эса,
Бу дўст ҳар ичаким қойил эса,
Бил дўстдин ортиқдур агар жоҳил эса,
Андок душманки, зийраку оқил эса.**

*

**Бу дури ноёб вафому экин?!
Гар ул эмас, меҳргиёму экин?!
Меҳргиё демаки, анқодур ул,
Жавҳар-и фарду дур-и яктодур ул!**

*

**Кимки вафо кўрди жафо қилмади,
Ўтрусида гайри вафо қилмади.**

*

**Киши топса ҳамдардини ногаҳон,
Не имкон ниҳон дарди қолмоқ ниҳон.**

*

**Ҳар кишига етса фалакдин ғаме,
Бўлмаса ҳамдарди анинг ҳамдами.**

**Рози лабин тиккан ипин сўқмаса,
Ҳар неки кўнглида эрур тўқмаса.**

**Дарди ёқиб шуълайи нобудини;
Чархдин ўткаргай анинг дудини.**

**Тифи бало кўксини чок айлагай,
Дард ани бир дамда ҳалок айлагай.
Сарсар-и ғам жонига ургай сипеҳр,
Хирман-и умрини совургай сипеҳр.**

*

**Ким истаса салтанат саходур анга шарт,
Ҳар ваъдаки айласа, вафодур анга шарт.**

*

**Ким бу чаман ичра хиромон эрур,
Барчаси бир-бирига меҳмон эрур.**

**Ҳар кишиким, бор эса ёре анга,
Ҳар кишиким, ёр эса боре анга.**

**Ком била васлинин айлаб ҳавас,
Топса бу комига даме дастрас.**

*

**Ҳар гадоеким жаҳонда бир мувофиқ ёри бор,
Хизр умрию Скандар хашматидин ори бор.**

*

Ўтдин исинурғача овуч оч,
Куйдургудек англасанг кейин қоч!

Кишига неча келса мушкил ҳол,
Ҳикмату ақл анга эрур ҳаллол.

*

Бегонани уй сари ёвутма,
Үрнингки қизикдуур, совутма.

*

Англағил аҳбоб қадринким, алар бўлмай, не нафъ
Гар сенга афлок авжи узра тахт-и жоҳдур⁴⁶.

*

Бир дирамким, қалб бўлгай, арзимассен, эй кўнгул,
Ҳар неча меҳру вафо бозорида ўзунгни сот.

*

Жоҳу мол аҳлида йўқ меҳру вафо,
Бас менга меҳру вафо мол ила жоҳ.

*

Кимники айлай дер эсанг маҳраминг,
Кўп синамай айламагил ҳамдаминг.

*

Меҳрки равшанлик этар фош ани,
Кимга гунах, кўрмаса хуффош ани⁴⁷.

*

Кимсани бот айламагил аржуманд,
Ҳам ана оз иш била қилма нажанд⁴⁶.

*

Оlam аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ер ўлуңг бир-билингизгаки, эрур ёрлиғ иш.

*

Сўралдиким, не нимадурким фойдаси барча
халойиқца етар, дедиларким: «Ёмонларнинг йўқлиги».

*

Улус аҳволидин сен бўл баруманд.
Йўқ улким, олгай афъолингдин эл панд⁴⁹.

ИЛМ ФАЗИЛАТИЮ ЖАҲЛ БАЛИИЯТИ

Саодатманд агар олим бўлса, нодонлар сўзи анга мухиб-и
ғайрату эътибор, бесаодат жоҳил бўлса, олим сўзидин
анга ор ва филҳақиқат жоҳилликдин бесаодатлироқ
не нима бор. Фосиқ олим донишваредур, ўз нафсиға
золим, ганий бахил нодонедур, ўз зиёнига муҳил.

*

Билмаганин сўраб ўрганин олим
ва орланиб сўрамаган ўзига золим.

*

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
катра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

*

Камол эт қасбким, олам уйидин
Сенга фарз ўлмагай ғаминоқ чиқмоқ.
Жаҳондин иотамом ўтмак — биайних⁵⁰
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

*

Қулокда асра гаронмоя⁵¹ сўзниу фикр эт
Ки, дурсиз ўлса ие бўлғусидур садаф ҳоли.
Сўзунгни даги кўнгул ичра асрагилким, ҳайф
Ким, эйла дуржни гуҳардин эткасен ҳолий.

Бу дуржу⁵² икки садафни⁵³ тўла дур этканга
Зиҳий улувв-и гуҳар⁵⁴, балки гавҳари олий.

*

Олимеки, илми эрди беамал,
Е ганийким, молига бухл эрди ёр,
Ўлдилар юз ҳасрату армон била,
Элга бўлди ишларидин эътибор.

*

Хайрсиз ғаний ёғинсиз сахоб⁵⁵
ва амалсиз олим доббаки⁵⁶, анга юклагайлар китоб.

*

Илм ўқуб амал қилмаган, ерни шиёр қилиб⁵⁷,
Тухм солмаганга ўхшар, ё тухм солиб, баҳра олмаганга.

*

Илм ўқуб қилмаган амал мақбул,
Дона сочиб, кўтармади маҳсул.

*

Илмдин орий⁵⁸ улуснинг жоҳили худкомаси,
Ўрганурга жидду жаҳд эткан жаҳон алломаси.

*

Гадозода-йи хирадманд акобир ҳамроzi, ганийзода-йи лаванд арзол⁵⁹ дамсози⁶⁰. Ул илму дониш юзидин салотинни қилиб ҳожатманд, бу жаҳлу инод фартидин⁶² халойик қошида иописанд.

*

Ҳар кишиким, бир қавмнинг сулуки оҳангин тузар⁶³, тадриж била ҳамул қавмнинг рангин тутар, ҳар кимгаким пайравлиқ этар, ул мутобаат⁶⁴ хосиятидин ул еткан ерга этар.

*

Оқил чу кўрса элда хато, ижтиnob этиб⁶⁵,
Андин савоб йўл сари мойил қилур ўзин,
Қўймас анинг хатосига эл айлаб эътиroz,
Айтурға юзи ўтрусида саҳвининг сўзин.

*

Илмни ким воситайи жоҳ этар,
Ўзинию халқни гумроҳ этар.

*

Олим агар жоҳ учун ўлса залил,
Илми анинг жаҳлиға бўлгай далил.

*

**Нодон пандида ғалат мұқаррардур, душман насиҳатида
фиреб мутасаввардур.**

*

**Нодоннинг муваҳҳаш ҳарзага бўғиз қирмоги эшакниңг
жиҳатсиз қичқирмоги.**

*

**Моллиғ нодоннинг демаги, олтунлуқ чибиннинг емаги
маълум.**

*

Олим агар қатъий амал⁶⁶айласа,
Илмига шойиста амал айласа,
Ани шараф гавҳарининг кони бил,
Гавҳару кон, ҳар не десанг они бил!..
Кимки, бу иқбол анга бўлгай насиб,
Солмаса дунё сари кўз, не ажиб,
Эгнида гар хирқаси юз чок эрур,
Гулга тўни йиртуғи не бок эрур,
Кунгаки, урёнлик эрур зийнати,
Тийра бўлур, бўлса булут хилъати.

*

**Олимки, жоҳилни мұқобалага келтуруб илзом қилмоги
хавас бўлгай, аниңг ўзига ушбу яҳонат-ўқ⁶⁷ бас бўлгай.**

*

**Олим керакки, ўз илминнинг появу миқдорин асрагай,
гавҳарни имтиҳон учун тошқа урмағай.**

*

Ҳораға ҳар кишиким, дурри саминни ургай, хирад аялгарки, қаю бири бирини синдургай.

*

Телба қулогига панд — қуюн оёғига банд.

*

Аблаҳ⁶⁸ ани билки, оламдин бақо қилгай тамаъ,
Аҳмақ улким, олам аҳлидин вафо қилгай тамаъ.

*

Мушфиқ носиҳ сўзин эшитмаганинг сазоси таассуф
емагу ўзига носазо демак⁶⁹.

*

**Хирадманд пандини кўрган ачиғ
Сўнгиди пушаймонлиғи не осиғ?!**

*

Басо ожизки, хасм остиға ётмиш,
Оғиз суйин анинг юзига отмиш.

*

Ҳақ йўлинида ким сенга бир ҳарф ўқитди ранж ила,
Айламак бўлмас ҳаққин адо юз ганж ила.

*

✓ Ки ҳар ишники, қилди одамийзод,
Тафаккур бирла билди одамийзод.

Сафиҳ¹¹ золим ила бўлма хон уза ҳамдаст!
Муносиб ўлмади ит чунки ҳамтабақлиққа.
Ўзунгга аглаҳу нодонни айлама ҳамроҳ
Ки, яхши эрмас эшак дағи ҳамсабақлиққа.

*

Умрин аглаҳ кечуруб гафлат ила,
Нукта ўрнигаки тортар ҳаррос.

Бир эшакдурки, тагофул юзиҳин,
Қилгай изҳор паёнай аррос.

*

Башар ҳайли анга мажбул эрурлар
Ки, бўлгай ҳар бир ўз оллинда маҳбуб.

*

Ажаб йўқ, неча қиласа номулойим,
Кишига келса ўз маҳбубидин хўб.

*

Ҳунар аҳли ани дегилки бўлгай,
Ўзини қиласа ўз оллида маъюб.

Чу ўз айбига воқиф бўлди, айбин
Нечук қилгай ҳунар ўрнига маҳсуб.

*

Бирақим хирадманднинг нуктасин
Қулоғига олмас, не нуқсон мунга.

Жавоҳирни термак анга саъб эса,
Эрур сочмаглиг худ осон муинга.

*

Агар нодон маҳалсиз ҳарзаким айтур, vale эштур
Қулоққа ёқмаса, манъига танибид, айламак бўлмас.
Эшак савти каломуллоҳда келди анкару-л-асвот,

Анинг савтига тақрибу таҳоший истамак бўлмас.

Айлар ишингга чу бўлур дастрас,
Вақтидин ўткарма ани бир нафас⁷¹.

*

Гарчи таваккулсиз эрур азм суст,
Машварасиз қилма таваккул дуруст.

*

Андок қариким, йўқ анда ойин-и хирад,
Ул ёш ортуқки, топди талқин-и хирад.

Вале ҳар киши бўлса ахл-и уқул
Тааммулсиз иш ақли этмас қабул⁷².

*

Бу дамни ориф эсанг яхши тутки, жоҳил иши,
Етишолмагангаю ўтганга қийлу қол ўлгай⁷³

*

Жаҳон илмики, букун менга ёд эрур,
Анга борча жаҳл аҳли устод эрур⁷⁴.

*

Жаҳон аҳлига чун шиор ўлди жаҳл,
Эрур барчанинг аксини тутган аҳл.

*

**Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд,
Паст этар ул хайлни чарх-и баланд.**

*

**Тарк-и адабдин бири кулгу дурур,
Кулгу адаб таркига белгү дурур.**

*

**Қилди булут ашки била дур нисор,
Бўлди чоқин кулгусидин хоксор.**

*

**Ҳикмат аҳли оллида совуқ сифат йўқ кимсада,
Субҳ-и козибдек маҳалсиз айлаган кулгу киби.**

**Лек мундин кўп совуқдур ашк тўқмак зўр ила,
Дай елида қатра-қатра муз томузган су киби.**

*

**Мұҳаббатқа зебу пироя адабдин этар ва маваддатқа
равнаку бақо адаб таркидин кетар.**

*

**Тавозуъ адаб ахлиға таъзиму хурмат этар, ул донани
эккан бу маҳсулини жамъ этар.**

*

**Икки жонибдин агар хулқ карим бўлгай, адабу тавозуъ
муқобаласида иззату таъзим бўлгай.**

Тавозуъ халқни киши мұхаббатыға шифта қилур, ва
фоили⁸⁰ маваддатыға⁸¹ фирефта қилур.

*

Тавозуъ сахо қилмай элни шод қилур ва ато күргузмай
кишини ғамдин озод қилур.

*

Тавозуънинг такрори ҳәёсиз муддаийни⁸² уят сарҳадди-
га бошқарур ва төйдоди⁸³ инсоғсиз адувни ёмонлигдин
ўткарур.

*

Чунки тавозуъға хам бўлди ҳилол,
Бўлди фузуироқ анга ҳар кун камол.

*

Чарх тавозуъ уза то хамдуурур,
Тобигъ-и амри бари оламдуурур.

*

Викор гавҳарию ҳилм маъданни бўлакўр
Десангки, қилгай итоат сенга гадо ила шоҳ.

Бу шева тоғда зоҳирдуурурки, даврондин,
Қачонки тафриқа⁸⁴ етти, улусқа бўлди паноҳ.

*

Кимки, улуғроқ, анга хидмат керак,
Улки, кичикрак, анга шафқат керак.
Кимники, қилсанг мутавассит⁸⁵ хаёл,
Асра анинг ҳурматида эътидол!

*

Гарчики шаҳ базми эрур дилрабо,
Вожиб эрур андин айламак ибо⁸⁶.
Марҳами зимнида эрур решлар.
Нўш ичинда тикилур нешлар.

*

Айш, Навоий, неча дилкашдуур,
Лек адаб бирла ҳаёхушишдуур.

*

Ёмон қиликлиғ бадхўю бот аччиғлиғ туршрўй бир балога
гирифтору бир ибтилога мубталоким, ҳар ён борса, андин
қутулмасу ҳар сари қочса, андин ҳалос бўлмас.

*

Кичик ёшларга улуглар ҳаракоти анга далилдурким,
не акли бўлгаю не ўёти.

*

Кулагач юзлуг хушахлоқ нифоқ кудуратидин бўлгай
йироқ.

*

Эрнинг қилиғи сутнинг илиғи.

*

Ҳилм инсон вужудининг фавокиҳлиғ бөғидур ва одамийлик тогининг жавоҳирлиғ тогидур.

*

Ҳилмни ҳаводис дарёсида кишилик кемасининг лангари деса бўлур ва инсонийят мезони тошига нисбат қиласа бўлур.

*

Ҳилму ҳаё аҳли ҳар ерда аржуманддур, улуғлар назарида аржумандроқ.

*

**Хирадманд мухолафатдин қочар
ва мувофақатқа мулойамат эшигин очар.**

*

**Фосиқ бари миллатда нодондуру покравлар орасида
нодонроқ, фисиқ бари тарийкда ёмондуру порсолиқ
либосида ёмонроқ.**

*

**Ҳаёву адаб бирла тузгил маош,
Яна айла таъзиму ҳурматни фош!
Не эл ёри бўлсанг, алар ранги бўл,
Нечук бор эсанг, тутқил ул сари йўл!**

*

**Тавозуъ яхши, аммо яхшироқдур,
Агар даъб этса⁸⁷ ани аҳли давлат,**

Эрур ҳам афв ҳўбу ҳўброк ул
Ки, зоҳир бўлгай эл топқандада қудрат.

Ҳаким инсон-и комил дентур ани
Ки, бўлгай зотида бу неча хислат.

*

Уч кишидин уч ёмон кўрунур,
Санга арз айлай ахл-и дунёддин:

Шоҳдин тундлуг, ғанийдин бухл⁸⁸,
Молға майлу ҳирс донодин.

*

Қарилар хотири нозукдур, эй тифл⁸⁹,
Шикастидин қилиб ваҳм, ўлма гўстоҳ⁹⁰.

Ўнуттунгмуки, атфол⁹¹ ўйнаганда
Синар оз майл кўргандин қуруқ шоҳ.

*

Эрур аҳли ҳунар қошида ҳунар,
Айб ёпмоқ даги ҳунар топмоқ.

Ҳунарин элнинг ошкор этмак,
Йўқ эса бари айбини ёпмоқ⁹².

*

Биравким жабҳасида чин эрур, тута олмас
Мурод шоҳидининг соидини коми била.

Агарчи фанида соҳибкамол эрур сайёд,
Қачон балиғ тута олғай су мавжи доми била.

*

Фалонга ажаб ҳол эрурким, халойик
Не қилса алар бирладур можароси.

Сола олмас эл ошиға бир нуҳуд, гар
Тузилмас анинг бирла ул эл ароси.

Қозон йўқки, ул анда кафлез эмастур
Ки, бўлсун юзига қозонлар қароси.

*

Юқори ўлтуурни ким тиласа,
Кишилиқдин ани йироқ билгил.

Ўлтуур сафда юқориликдин,
Ўлтуур сафда яхшироқ билгил!

*

Хўбким, йўқтур шамойил бирла ширин сўз анга,
Сайди бўлмас эл, нечаким бўлса зебо суврати.

Хилъатин зарбафт дебодин гар этсун, бил яқин
Ким, номудор ичрадур зарбафт дебо суврати.

*

Киши йигитлар ила ишқбозлиқ қилса,
Йигитлигида эрур хўбу мунда эрмас шак.

Қарига тавбаъу тақво керак вагар бу ҳарф
Ўзини йигмаса, хуштур сақолига кулмак.

Ки, пўя қилса назар солғали йигитларга,
Валек жисми асо истаса, кўзи айнак.

*

Бўлма малул ўлса кенгашда талаш,
Асрү узун даги керакмас кенгаш⁹³.

*

Бир деганни икки демак хуш эмас,
Сўз чу такрор топди дилкаш эмас.

*

Гарчи кўёшдин парвариш олам юзига ом эрур.
Сахрода қамғоғу тикан, бўstonда сарву гул битур⁹⁴.

*

Бермас татвил чу сухандон сўзга,
Қил мухтасар улча бўлгай имкон сўзга⁹⁵.

*

Барқни кулгу йиқибон тоғ аро,
Балки қилиб ер қуий туфроғ аро.

*

Гар иш гайри мавқиъда мавжуд эрур,
Киши ҳар неким қилди, мардуд эрур⁹⁶.

**Ел агарчи кўкка етсун, сабукбордуру бемиқдор,
Тоғ агарчи туфроққа ботсун, соҳиб виқору ҳилмшиор.**

*

**Инсон ани билки ком эрур анга салоҳ,
Тил ҳифзида бил зумра-йи инсонга салоҳ⁹⁷.**

*

**Киши бўлса ҳам филмасал тавъамон,
Бўла олур ул яхшию бул ёмон.**

*

Мулойим такаллум ваҳшийларни улфат сари бошқарур.

*

**Кулгуки, ўз хадидин ўлди йироқ,
Ингламоқ андин кўп эрур яхшироқ.**

*

**Эшик ит еридур гар олсун бўри,
Мушукка маком ўлди уйнинг тўри.
Гар ул дашт сайдини айлар фигор,
Ва лекин бу уй сайдин айлар шикор.**

*

**Хонақоҳ ахли йўлиқса мастиликдин тониман,
Шукрким бўлдум аларга ашнолиқдин жудо.**

Тавозуъ яхши аммо яхшироқдур,
Агар дабъ этса они аҳли давлат.

*

Таҳайюл аро барча бир навъ эмас,
Ҳадисин ики кимса бир навъ демас.

*

Неча зарурат аро қолған чоги
Чин демас эрсанг, дема ёлғон доди⁹⁸.

*

Табнатка ҳар неки одат бўлур,
Чу эскирди одат табнат бўлур.

*

Неким қилди жоҳилки, эрди ёмон,
Тутиб аксини топдим андин омон.

*

Кимки, тиласанг билай, мақолин англа,
Аслин десанг англайин, фиолин англа.
Кирдикорига боқиб асл ҳолин англа,
Аслига далил анинг ҳисолин англа.

*

Хўб эл била сухбат тутубон хўб ўлғил,
Яхшини талаб қилғилу матлуб ўлғил.

*

Зевар кишига не тожу афсар бил,
Ул зевар адаб бирла ҳаё дархар бил.
Ҳар кимки адабсиздур ишин абтар бил,
Алқисса эранларга адаб зевар бил.

*

Буки тавозуъдуур оти аниng,
Еки адаб келди сифоти аниng.

Гарчи хирад васфидин ўзга демас,
Борча улус шаънида бирдек эмас.

Ҳар кишининг таврига лойик керак,
Суврати ҳолига мувофик керак.

*

Шаҳ хизматига бировки бўлгай мойил,
Кўру кару лангу шалу керактур ҳосил,
Асрорининг ифшосида гунг айласа тил,
Бу мушкил эрур барчасидин, бу мушкил.

ТЎҒРИЛИҚ САОДАТИЮ ЭГРИЛИК КАСОФАТИ

Ҳар кишиким, тузлук⁹⁹ эрур пешаси¹⁰⁰,
Кажрав эса чарх, не андешаси.

*

Үкки, туз ўлди таярони¹⁰¹ аниng,
Бўлса ер эгри не зиёни аниng.

*

Йўл неча туз, йўлчиға мақсад қариб¹⁰²,
Хамлигидин тушса йирок, йўқ ажиб.

*

Шамъ бўйи туз келиб айвон аро,
Шоҳид-и¹⁰³ базм ўлди шабистон аро.

*

Бийик мақомига улким тилар сабот, керак
Ки, эгриликни қўюб, тузлук айласа қонун.

Туз ўлса, соясида эл тиниб манор киби
Сипехр¹⁰⁴ уйида тураг қарилар иччукки сутун.

Гар эгридур ёғибон ўқу боғланиб бўйни,
Булур қабак йигочидек¹⁰⁵ беш-ўнча кунда нигун.

*

Тузлукка мойил ўлки, ишинг борғай илгари,
Юз мушкил ўлса, йўқса минг оллингда ҳар замон.
Юз сафҳа бир қалам бирла котиб қилур ракам,
Минг қўйни бир асо била ҳар ён сурар шўбон¹⁰⁶.

*

Бўлди чу мистар хатига туз ракам,
Бошини олмас ракамидин қалам.
Бир хати гар эгри тушар бир нуқат,
Нусхада ҳар сафҳададур эгри хат.

*

Ростдур улким, назари тўғридур,
Ким илиги эгридур, ул ўғридур.

*

Бирни икки кўрмак орур санъати.

*

Юқар ёмонлиғ ангаким, кирап ёмон эл аро,
Кўмур аро илиг урган қилур илигини қаро.

*

Ёмонни агар яхши қилсанг гумон,
Этур яхшини ҳам дегандек ёмон.

*

Ёмонларга лутфу карам, яхшиларга мужиб-и зарапу
алам.

*

Ҳар кишиким, истаса тузлукка ғавр,
Англадег¹⁰⁸ аниким, эрур икки тавр:
Бир буки, туз бўлса кишининг сўзи,
Иёқ сўзиким, ҳам сўзию ҳам ўзи.
Бир буки, ёлғонга таассуф била
Тўғри дегай сўзни такаллуф била.
Яхшидур аввалғиси худ бегумон,
Лек иккинчиси ҳам эрмас ёмон.

*

Эгрию туз васфи мұхаққақ¹⁰⁹ әрүр,
Ботил әрүр эгрию туз ҳақ әрүр.
Шамъки тузлук била масрур ўлур,
Гарчи куяр, боштин оёқ нур ўлур.

*

Хиромон суда сойир бўлмоқу учмоқ ҳаво узра,
Ажаб әрмас қачонким, ростравлиқ қилса озода.

Шиъор айлаб бу ишни кема тийри, кўрки, су узра
Хиром айлаб ҳавога бодбондин солди сажжода.

*

Бўлса керак фикр ила шоҳ-и замон,
Яхшига яхшию, ёмонга ёмон.

*

Агар тузлук ўлса кишининг иши,
Не васф айлай олғай ишини киши.

Агар кимсадин зоҳир ўлса ёмон,
Кўпар неки зоҳир этди, ҳамон¹¹⁰.

*

Кимки ўзи айлади ёлғон сўзин,
Кизб дер эл, чин деса, қолған сўзин.

*

Ешурун қолмас ўғурлук уй ароким бўлса ёш.

*

Ким қуёш нурини ниҳон қилди,
Бадрни мис табак гумон қилди¹¹¹.

*

Ким юримак ип уза ком айлади,
Адл чу туз бўлди, хиром айлади.

*

Кимсага ёлгончи дебон қолса от,
Бу от ила гар десалар ўзу ёт,
Сидқ хитоби яна ёнмас анга,
Чин деса ҳам ҳалқ инонмас анга.

*

Коминг учун туз бўлу, адл айла иш,
Ўқда агар адл йўқ, итмиш равиш.

*

Носиҳ-и содикки, эрур бегарааз,
Бил анга оламда топилмас эваз¹¹².

*

Ким эгри эса тузлук эмас пояси ҳам,
Бори ўзидек эгри суду сармояси ҳам.

*

Хотир-и жамъ истасанг аввал хавотир дафъин эт,
Кимда хавотир бўлмаса осуда хотир бўлғуси.

*

**Неча бўлса ёлғончи эл аржуманд,
Сўзи анжуман ичрадир нописанд.**

*

**Оlam элига ҳаёт эрур тузлукдин,
Етмак гаразига бот эрур тузлукдин.**

*

**Сарвким, ул тўғри чекиб қоматин,
Кўрмайин осиб замон офатин¹¹³.**

**Шоҳки иш адл ила буниёд этар,
Адли бузуқ мулкни обод этар.**

*

**То режа чекмас ерига боғбон,
Боғ ҳамон зебда, жангал ҳамон.**

*

**Тузлук эрмас шифосию вояси ҳам
Ким, эгри кишининг эгридур сояси ҳам.**

*

**Қасд ила ёлғон демади ростгўй,
Чин демади саъй ила каззобхўй¹¹⁴.**

*

**Адл айлаки, ул ҳалқ ҳаёти бўлмиш,
Хуш ул кишиким — адл сифоти бўлмиш;**

**Ҳам мулк била адл жиҳоти бўлмиш,
Ҳам адл била мулк саботи бўлмиш.**

*

**Ҳар кимгаки эгриликка овозадур,
Туз жода ичра йўлидин озадур.**

*

**Ҳар кишиким ростни бехост дер,
Айтса ёлгон даги эл рост дер.**

*

**Ҳар киши ким ёлгонни деса лек кам
Бўлгай эди кош, бу давронда ҳам.**

*

**Най туз учун истар ани аҳл-и ҳол,
Чун туз эмас, эгри кўтар гўшмол.
Найза бўлуб тузлугидин сарбаланд,
Чирмаш учун бандга қолиб каманд.**

*

**Ҳар кишиким сўзи ёлгон эса,
Айлама бовар нечаким, чин деса.**

*

**Тузлукта тараб беҳаду андоза дурур,
Ким ростдурур, юзи анинг тоза дурур.**

*

Норостқа кўп уёт эрур тузлукдин,
Лек эр кишига нажот эрур тузлукдин¹¹⁵.

ПОКЛИК РОҲАТИЮ НОПОКЛИК ЗАҲМАТИ

Одамийнинг яхшироги улдурким, порсову пок бўлгай ва
ҳақ сўзни айтурда беваҳму бок бўлгай.

*

Ўзи поку кўзи покни инсон деса бўлур.

*

Фисқ шумлигидин ўзунгни яхшилардин ҳуратмаву
ёмонлар орасида қотма!

*

Фосикдин ҳаё тилама, золимдин вафо тилама!

*

Бир неча журъани¹¹⁶ баданга дохил қилиб, бир неча
катрани¹¹⁷ андин хориж этма! Ул журъа кудуратидин
сафодин айрилиб, ул қатра хуружидин бало дарёсига
ботмаким, ул журъа сайлоби балодур, дину имоннинг
уйин йикар, ул қатра гирдоби ранжу анодурким, аниг
била ҳаётинг нақди чиқар.

*

Бебок ҳамдамликқа ярамас, нопок маҳрамликқа ярамас.

*

Ариғсиз¹¹⁸ иш сафо бўлмас, ит ғанжиси¹¹⁹ асо бўлмас.

★

**Яхши хотунлар сафок-и зуҳдидан
Оlam ичра гар ёруғлук бўлса фош**

**Иўқ ажаб, чунким араб алфозида
Истилоҳ ичра муанисадур қуёш.**

*

**Уйда равнақдуур, агар кишига,
Яхши ҳамхона бўлса ҳамзону.
Зеб ила турфа ҳаргиз ўлмас уй,
Бўлмаса анда турфа қадбону.**

**Юз туман нопок эрдин яхширок,
Пок хотунлар оёгининг изи.**

*

— 2 —

**Покдоман зуафодин неки зоянда бўлур,
Рұҳпаркардуур жонбахш, зике хилқат-и пок.**

*

**Пок раҳравлар била ҳар кимки бўлди мухталит,
Шак эмастурким, натижа тошмас илло поклик.**

**Ҳар неча бўлса ариғсиз, чун ариғлиқ су аро
Хилт бўлди, мумкин эрмас қолмоқ ул нопоклик.**

*

Дамингдин йироқ тутмагил ҳушни
Ки, юзланмагай ҳар дам офат сенга¹²⁰.

Ишнинг поёники зиштдуури бўлгай,
Улдурки, ёмон иш била макрун бўлгай¹²¹.

*

Кон кеча байл гуҳар-и пок этар,
Олгучи кўпрак юрагин чок этар.

*

Кўнгул алил эса, фориг эмас ҳавотирдин,
Жароҳат узра йигилмоқдуурур чибинга ҳавас¹²².

*

Ким хўйи ёмон бўлса машаққатдур анга,
Ким хўйи анинг яхши, ғаниматдур анга.

*

Одам ўлган зеб-и зоҳирдин демас,
Кимки андин фахр этар, одам эмас¹²³.

*

Пок гавҳарки, пок бўлди шиор.
Шоҳлар боши устида ери бор.

*

Халойиқка кўрма қилиб бенаво,
Ўзингга раво кўрмаганни раво.

*

Гафлат аро хуш кўрубон хуш дема,
Вокиф ўлуб сўнгра пушаймон ема¹²⁴.

*

Агар бор эса поклик нийяти,
Анга ёр ўлур поклар ҳиммати.
Керак оғзи поку сўзи даги пок,
Яна кўигли поку кўзи даги пок.

ТИЛ БАЛОФАТИЮ НУТҚ КАИФИЙТИ

Одамий тил била сойир ҳайвондин мумтоз бўлур ва ҳам
анинг била сойир инсонга сарафрозд бўлур¹²⁵.

*

Тил мунча шараф била нутқнинг олатидур ва ҳам
нутқдурки, агар иописанд зоҳир бўлса, тилнинг офа-
тидур.

*

Тилки, фасиҳу дилпазир бўлгай, хўброқ бўлгай, агар
кўнгул била бир бўлгай.

*

Кўнгул махзанининг қуфли¹²⁶ тил ва ул махзанинг
калидин сўз бил!

*

Хушгўйким, сўзни рифқу мувосо била айтқай, кўнгулга
юз ғам келадурган бўлса, анинг сўзидин қайтқай.

*

Сўздадур ҳар яхшилиқки, имкони бор, мундин дептурларким, нафаснинг жони бор.

*

Саодатбахш руҳ зулолига манбаъ ҳам тил, шақоват наҳс кавкабига матлаъ ҳам тил.

*

Тилга иқтидорлиғ ҳаким-и хирадманд, сўзга ихтиёрсиз лаим-и нажанд¹²⁷.

*

Тилингни ихтиёрингда асрагил, сўзунигни эҳтиёт била дегил!

*

Маҳаллида айтур сўзни асрама, айтмас сўз теграсига йўлама!

*

Сўз борким, эшиткучи танига жон киюрур ва сўз борким, айтқучи бошин елга берур.

*

Тилинг била кўнглунгни бир тут, кўнглию тили бир киши айтқан сўзга бут¹²⁸!

*

**Сўзни кўнглунгда пишқармағунча тилга келтурма, ҳар
неким, кўнглунгда бўлса, тилга сурма!**

*

**Агарчи тилни асрамоқ кўнгулга меҳнатдур, аммо сўзни
сайпамоқ¹²⁹ бошқа офатдур.**

*

Айтур сўзни айт, айтмас сўздин қайт!

*

**Оқијл чиндин ўзга демас, аммо барча чинни ҳам демак
оқијл иши эмас.**

*

**Хирадманд чин сўздин ўзга демас,
Вале бари чин ҳам дегулуг эмас.**

*

**Киши чинда сўз деса, зебодурур,
Неча мухтасар бўлса, авлодурур.**

*

**Золиму бедард сухбатида нукта сурма, наммому¹³⁰
номард мулояматида дам урма!**

*

**Доно илигдин борғандин сўз айтмас, ўткан йигитлик
орзу била қайтмас.**

*

Ўткан рўзгор¹³¹ адамдур, келмагандии сўз айтқан аҳл-и
надамдур¹³² ва ҳол¹³³ мугтанамдур¹³⁴.

*

Мозию мустақбал¹³⁵ ахволин такаллум айла кам!
Невчунким, дам будамдур, дам бу дамдур, дам бу дам.

*

Фано ахлига кўп айтмоқ мардуддур ва кўп эшитмак
матлубу маҳмуд¹³⁶.

*

Эшитмак элни тўла қилуру айтмоқ холий, эшиткучниу
айтқучининг будур ҳоли.

*

Кўп деган кўп янгиликур.

*

Қалб амрозининг¹³⁷ моддаси кўп демакдур.

*

Кўп демак сўзга мағрурлук.

*

Ҳарзагўйким¹³⁸, кўп такаллум сургай, итдекдурким,
кеча тонг отқуича ҳургай.

*

Макруҳеки¹³⁹, ҳарзаси тавилу¹⁴⁰ овози кариҳдур¹⁴¹,
ўзи ул савти била қурбақага шабиҳдур¹⁴².

*

Чин сўз мўътабар, яхши муҳтасар.

*

Кўп дегучи мумилл¹⁴³, мукаррар дегучи лояъқил¹⁴⁴.

*

Сўзи ҳисобсиз — ўзи ҳисобсиз.

*

Оз демак ҳикматқа боис ва оз емак сиҳчатқа боис.

*

Оғзига келганини демак нодон иши
ва оллига келганини емак ҳайвон иши.

*

Кўп демак бирла бўлмагил нодон,
Кўп емак бирла бўлмагил ҳайвон!

*

Сиҳчат тиласанг кўп ема,
Иzzат тиласанг кўп дема!

*

**Навоий, тилинг асрагил зинхор,
Десангки, емай даҳр ишидин фусус¹⁴⁵.**

**Назар қилки, ўқ оғзи тилсиз учун,
Қилур тожварлар била дастбўс¹⁴⁶,**

**Неча тожвардур, кесарлар бошин,
Чу ҳангомсиз¹⁴⁷ нағма тортар хурус.**

*

**Ҳусну жамолсиз киши ширинкалом эса,
Сайд айлар элни, нукта фасоҳат била деса.**

*

Тилга ихтиёrsиз — элга эътиборсиз.

*

**Ёмон тиллиг, андоқким эл кўнглига жароҳат еткуурур,
ўз бошига ҳам офат еткуурур.**

*

Тилдин узубат¹⁴⁸ дилписанддуру лайинат¹⁴⁹ судманд.

*

*

Хуш сўзга ким ўлга маству беҳуш,
Шарбар аро заҳрни қилур иўш.

*

Чун гараз сўздин эрур маънио анга
Ноқил ўлса хоҳ хотун, хоҳ эр.
Сўачи ҳолин бокма, бок сўз ҳолини,
Кўрма ким дер ани, кўргилким, не дер!

*

Ул кўнгулгаким, қаттиғ сўздан решдек бўлгай, аччиғ
тил заҳролуд нишдек бўлгай.

*

Кўнгулда тил синони¹⁵¹ жароҳати бутмас, анга ҳеч
зима марҳам ерин тутмас.

*

Муханиас¹⁵² не ҳашаки, демагай.
Макиён¹⁵³ не најкосатки, ёмагай.

*

Улким, димогида ҳабт¹⁵⁴, сўзида йўқ рабт¹⁵⁵.

*

Димоги сахих — гуфтори фасих.

*

Сўзида паришонлиқ — ўзида пушаймонлик.

*

**Оғзинга кирган такаллум риштасин чекма узун
Ким, бу иштии сарнигунилуқ¹⁵⁶ юзланиб нуқсон келур.**

**Кўрки, чун оғзига кирган риштасига берди тул¹⁵⁷.
Анкабут¹⁵⁸ ул риштадин ҳар дам нигунсор¹⁵⁹ осилур.**

*

**Кўнгулга футур ўлмайин роз очилмас,
Садаф гар бутун бўлса, гавҳар сочилмас.**

**Розни асра, чунки фош эттинг,
Яна пинҳон бўлурин қилма ҳавас!
Кўнглуинг ичра нафас кибидур роз,
Кайтмас кимсадин чу чиқди нафас.**

*

**Ҳар кимки, кўнгул махзанида яшура олмай,
Сочқай тилига келтуруборн махзан-и розин.
Топшургай эшиккангаки, фош айламагайсен
Ҳам нукта-йи таҳқиқину ҳам сирр-и мажозин,
Чун ганж эяси накдин ҳар ён ўзи сочқай,
Бемузд, ажаб йўқтур, агар сайпаса хозин.**

**Ҳар кимки, сўзи ёлгон, ёлгони зохир бўлгач уялган,
ёлгон афсоналарда уйқу келтургуси, ёлгончи уйқуда
такаллум сургучи.**

*

Елғон айтқучи гафлатдадур.

*

Сўзнинг аснофи¹⁶⁰ багоят чўқдур.
ёлғондин ёмонроқ синфи йўқдур.

*

Бироқим, ёлғон сўзни бироғга боғлагай, ўз қора бўлған
юзин ёғлагай.

*

Кабира гуноҳдур оз сўз ҳамки, ўтрукдур,
захр мухлиқдур, агарчи миқдори ўксукдур.

*

Сўзки, фасоҳат зеваридин музайян эмасдур, анга чинлик
zewari басдур.

*

Елғончи ҳар неча сўзида фасиҳроқ, сўзи қабиҳроқ.

*

Чин сўз нечаки бетакаллуф, қойилға иборат содалиғидин
йўқ таассуф.

*

Мувашшах хабарни чиндур деб дўстқа еткурма ва
бировнинг айби вokiъ бўлса, юзига урма!

*

Елғон ўлса мулойиматомиз, ваҳшатангиз чиндинг англа
азиз.

*

Ҳар кимки, сўзи чин бўлмагай, ростлар кўнглига ул
сўз қабулойин бўлмагай.

*

Саҳв ила¹⁶¹ ёлгон демак эрмас хисоб,
Билгач ани чунки қилур ижтиnob¹⁶².

*

Нечаки жаҳд айласа козиб¹⁶³ киши,
Бир-ики даст¹⁶⁴ илгари борғай иши.

*

Элга неча махфий эса бу сифат,
Зоҳир этар ёлгон ўзин оқибат.

*

Кимки, ўзи айлади ёлгон сўзин,
Кизб¹⁶⁵ дер эл, чин деса қолған сўзин.

*

Кимки, чини эл аро ёлғондуур,
Елғони чинликқа не имкон дуур.

*

Неча зарурат аро қолған чоги,
Чин демас эрсанг, дема ёлғон дағи.

*

Чин сўзни ёлғонга чулгама, чин айта олур тилни ёлғонга булгама.

*

Ёлғончи киши эмас, ёлғон айтмоқ эранлар¹⁶⁶ иши эмас.

*

Ёлғон сўз дегучини безътибор қилур нечукким ул гавҳарни хазафдек¹⁶⁷ хор қилур.

*

Улки, чин сўзни ёлғонга қотар, дурр-и саминни најкосат-ка отар.

*

**Сўз гуҳарига эрур анча шараф
Ким, бўла олмас анга гавҳар садаф.**

*

**Гар худ эрур ханжар-и пўлод тил,
Суфтидаги инжулари сўзни бил!**

*

**Сўздин ўлугнинг танида рух-и пок,
Рух дағи тан аро сўздин ҳалок.**

*

**Назмда ҳам асл анга маънидуур,
Бўлсун анинг суврати ҳар не дурур.**

*

**Назмки, маъни анга марғуб эмас,
Аҳл-и маоний қошида хўб эмас.**

*

**Жисм бўстонига шажар сўздур,
Руҳ ашжорига самар сўздур.**

*

**Гулшане келди жисм-и инсоний,
Нутқ анинг булбул-и хушалҳони.**

*

**Бўлмаса сўз ажаб бало бўлгай,
Булбул-и нутқ бенаво бўлгай.**

*

**Сўзки, жон гулшанида келди насим,
Бал кўнгул баҳри ичра дурр-и ятим.**

*

**Улки, сўз накдиға мубассирдур,
Васфи ичра тили муқассирдур.**

*

**Қулоқда асра гаронмоя сўзниу фикр эт
Ки, дурсиз ўлса не бўлғусидур садаф ҳоли.**

**Сўзунгни даги кўнгул ичра асрагилким, хайф
Ким, эйла дуржни гуҳардин эткасен холий.**

**Бу дуржу икки садафни тўла дур этганга,
Зиҳе улув-и, гуҳар, балки гавҳар-и олий.**

**Елғон демакда тажриба аввалги субҳ бас,
Елғон нафас чу ўлди, қорарди ҳамул нафас.**

*

**Ганж бериб бўлмас экан тутса кўз
Улча қилур вақтида бир яхши сўз¹⁶⁸.**

*

**Гавҳару дурни қулоқ озори бил,
Сўзни қулоқнинг дур-и шаҳвори бил.**

*

**Кимсага ҳар шевада қаллоблик,
Андин эрур яхшики каззоблик.**

*

**Маъдан-и инсон гуҳари сўздурур,
Гулшан-и одам самари сўздурур.**

*

**Керак, бўлса сўз эйлаким дурр-и пок,
Садафдек ҳақиқар ўлса қойил не бок¹⁶⁹.**

*

**Кимники билай десанг мақолин англа,
Аслин десанг англайнин фиолин англа.**

*

**Фаҳм айла ҳолини сўз демагидин
Ким, берди хабар хадиси кўнглидагидин.**

*

**Такаллум била кимса инсон эрур,
Сўзи йўқ баҳойимға не сон эрур.**

*

**Не сирфа деган киши тили қотилидур,
Алқиссаки, кимсанинг балоси тилидур.**

*

**Паёпай чучук сўз чу пайғом ўлур,
Анингдек хашан жонвор ром ўлур¹⁷⁰**

*

**Сўздурки, нишон берур ўлукка жондин,
Сўздурки, берур жонга хабар жонондин,
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳаре шарифрок йўқ андин.**

*

**Ҳар кимки ачик бўлди сўзи анфоси.
Бор сухбатидин халқнинг истиғноси.**

*

**Сенга бор эса сўз билурдин мазок,
Узум сари боқма, сўзум сари боқ.**

*

**Тил илдамидин бўлур гаромат ҳосил,
Юз навъ маломату надомат ҳосил.**

**Сўздин кишига ғаму бало ҳосилидур,
Ҳар нукта тили деса бало дохилидур.**

**Нукта дурин бил қулоқ оройиши,
Кенг этук ўлди оёқ осойиши.**

*

**Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки ағёр дурур ёр айлар,
Сўз қаттиги эл кўнглига озор айлар,
Юмшоги кўнгулларни гирифтор айлар.**

**Ширин сўз ила ҳалқقا марғуб ўлғил,
Юмшок де хадисингнию маҳбуб ўлғил.**

*

**Ким оз деди нукта айшу ком ўлди анга,
Сўз қоидасида интизом ўлди анга.**

**Ҳаддин ўта ҳар кимки, калом ўлди анга;
Ул навъ каломдин малом ўлди анга.**

*

**Чун синса кўнгул захми забон оғриғидин,
Кам эрмас анинг оғриғи жон оғриғидин.**

**Ҳар неки, сенга етар лисон оғриғидин,
Билгилки, қатикдуур синон оғриғидин^[71].**

*

Ҳам сўз ила элга ўлумдин нажот,
Ҳам сўз ила топиб ўлуг тан ҳаёт.

*

Нукта су янглиғ әритур тошни,
Топса ҳақиқат ўтидин чошний.

КАРАМ КАРОМАТИЮ БУХЛ¹⁷² РАЗОЛАТИ

Карам бир жафокашнинг шиддати юкин кўтармакдуру ани ул суубатдин¹⁷³ ўткармакдур, бироннинг меҳнати хори ҳамлин¹⁷⁴ қабул қилмоғу ул тикан иўгидин¹⁷⁵ гулдек очилмоқ ва ул қилғанин тилга келтирмамагу оғизга олмамоқ, ул кишига миннат қўймамоғу анинг юзига кўз солмамоқ.

*

Яхшилик жазоси йўқтур бажуз¹⁷⁶ яхшилик.

*

Эҳсон сифати саодат-и абад бил, фитнаву офат яъжужи дафъига сад бил.

*

Инсоният боғининг дилписандроқ¹¹¹ шажари ҳам эҳсондур ва одамийлик гулининг аржумандроқ гавҳари ҳам эҳсондур.

*

Жамъи писандида сифоту мустаҳсан ҳолот эҳсонга
тобиъ ва анинг зимнида мундарижу воқиъдур, ул барча
яхшиликларга жомиъ ва бари яхшиликлар анга
филҳақиқат рожиъ¹⁷⁸.

*

Ажаб сифат эрур эҳсонки, ҳар шариф сифат
Ки, келса жинси башардин, анга эрур дохил.
Жавоҳир англа сифот, ани жавҳарий қафаси
Ки, бордур анда қаю бирни истасанг ҳосил.

*

Иzzат аҳлики, мазаллатқа тушти, санъат илги йўқтуру
сул¹⁷⁹ тили, анга тараҳҳум қилмоқни ганимат билу
илгингдин келганча эҳсон қил!

*

Иигит гадоким, бел ура олуру ўтун ташимогни билур,
анга нима берган тенгри молин зойиъ қилур.

*

Одамий бадандур, ҳиммат анга рух,
Ҳиммат аҳлидин оламда юз минг футух.

*

Ҳимматсиз киши эр сонида эмас,
руҳсиз бадани киши тириг демас.

*

**Олийҳиммат шаҳбозедур баландпарвоз,
Беҳиммат сичқон сайёди юртчи боз.**

*

**Соҳибҳиммат муфлислиқ била паст бўлмас,
ҳимматсиз ганж топса, бийикларга ҳамдаст бўлмас.**

*

**Мазлумга баҳшойиш кўргузки, золимдин осойиш
кўргайсен.**

*

**Зердастларга нафъ еткур, агар тиласангки, забар-
дастлардин заарар кўрмагайсен.**

*

**Жуду саховат чоғи бухл этмагил,
Шукр замони даги бухл этмагил.**

*

**Бухл эрур барча сифатдин хасис¹⁸⁰,
Лек сахо жавҳари асрү нафис.**

*

**Бахилнинг андокки бугун топқани заҳира бўлғай,
тонгла қабри ҳам бу кунги маоши уйидек тийра бўлғай.**

*

Бахилдин амонат ажаб, карамдин хиёнат ажаб.

*

**Кишики, илгини устун тилар сахо қилдег,
Қўлида захри ҳалоҳилу гар Хизр суйидур
Ки, бергучи агар ўлсун гадову олғучи шоҳ,
Берур илиг юқорию олур илиг қуийдур.**

*

**Муруват барча бермакдур, емак йўқ,
Футувват барча қилмокдур, демак йўқ.**

*

**Қатиқ эл жисмидин анбурлар олмай иақд эмас восил,
Ки тогни пора-шора қилмайин, лаъл ўлмади ҳосил.**

*

**Саховат инсоният боғининг борвар¹⁸¹ шажаридур, балки
ул шажарининг муфид самаридур.**

*

**Саховатсиз киши ёғинсиз абри баҳор ва ройиҳасиз¹⁸²
мушки тотор.**

*

**Сахосиз киши бирла гавҳарсиз садафнинг бир ҳукми бор,
дурсиз садаф била ўлуб қуруган кашафга¹⁸³ не эътибор.**

*

Топқанини сочти эл узра саҳоб
Ким, ани ҳақ айлади гардунжаноб.
Мўр терар ҳар неки, сочқай киши,
Бўлди тириг гўрга кирмак иши.

*

Базлда¹⁸⁴ ким лутфни қилмас хато,
Зоҳир этар бир йўли икки ато.

*

Кишида барча ахлоқ-и ҳамида
Чу¹⁸⁵ жамъ ўлди, қўярлар отин эҳсон.
Бири андин саҳодур, бир мурувват¹⁸⁶,
Булар гар йўқтур, инсон эрмас инсон.

*

Яхшидин ёмонлар ҳам ёмонлик кўз тутмас,
Яхши ёмонларга ҳам яхшилиқни унутмас.

*

Яхшилиқ қила олмасанг, ёмонлик ҳам боре қилма!

*

Яхшилиғни билмасанг, яхшиларға қўшул, яхшилиқ
теграсига эврула олмасанг, яхшилар теграсига эврул!

Қавий¹⁸⁷ душман забунунг бўлса, мурувват қил, караму
афв кўргузгил!

*

Халиқ¹⁸⁸ ўлган сахийдин элга бўлди икки бахшойиш,
Ҳам эҳсонидин оройиш, ҳам ахлоқидин осойиш.

*

Сахий булатдур иши хирман, балки махзан бермак,
бахил мўрдур даъби хўшаву¹⁸⁹ дона термак.

*

Ҳиммат аҳлиғадур саховат ихтисоси, бу икки шариф
сифат шоҳ-и вилоят хосси.

*

Мубоҳот¹⁹⁰ учун бермак худнамолик ва анинг била
ўзин сахий демак беҳаёлик.

*

Улки, эл кўрмагунча бермас, лаимдур, сахий эмас.

*

Маҳаллида берган эски чорпора тўн-саховат
ва бемаҳал берган зарбафт чорқаб¹⁹¹ — шақоват.

*

Десангки, таоминг зойиъ бўлмагай, едур,
тиласанг, либосинг эскирмагай, кийдур.
Кимгаки, биззот саховатдуур,
Фақру ғинодин не тафовутдуур¹⁹².

*

Кулар юз била ато
Сахо устига сахо.

*

Ани сахий англагил, эй ҳушманд
Ким, ани давлат қилибон сарбаланд,
Холи агар яхшидуур, гар табох,
Кимсадин тамаъ этмас молу жох.

*

Ани даги дема сахийким, киши
То тиламас, бермак эмастур иши.

*

Муфлис бурч¹⁹³ олсаки, базл қилгай,
Соқол ораста қилурким, ҳазл қилгай,¹⁹⁴
Агар бурчига суд¹⁹⁵ ортар,
ўз бўйнин boglab зинданга тортар.

*

Тилаб берганни ҳам саходин йироқ бил,
Ибром¹⁹⁶ била бергандин бермаганни яхшироқ бил!

*

Бирта ўтмакни¹⁹⁷ икки бўлуб бир очқа берганни сахий де,
Ўзи емай барини муҳтожқа берганни ахий де!

*

Ҳунарларни топмоқ едурмакдур ва айбларни ёпмоқ
кийдурмакдур.

*

Неча сахо ашрафавсофдур,
Муфрит агар айласанг исрофдур.

*

Ақлки, таъриф этар авсофни,
Бухл била тенг тутар исрофни.

*

Эйки, сахо кўйида авбошсан¹⁹⁸,
Телбаву усрук киби зарпошсан¹⁹⁹.
Нақдни гулдек дағи совурмагил,
Гунча киби дағи гириҳ урмагил!

*

Сиймни сочқучи мингдин бирдур,
Ўзгаларнинг иши келди термак.

Ул жиҳатдин будур одатким,
Олмоқ осондуру мушкил бермак.

*

Исроф сахо эмас ва итлофни²⁰⁰ маъно ахли саховат
демас.

*

Ҳақ молин куйдурганини девона дерлар ва ёрук кунда
шамъи кофурий ёқканни ақлдин бегона дерлар.

*

Кўп олтун кумуш сари қўл сунмагил
Ки, тутсанг кафингни қора ранг этар.

Кўигулда даги майлини асрала,
Ки, кўигулни даги ҳамул ранг этар.

*

Бахилнинг молин асрардин меҳнати қаттиғ ва ҳасуд-
нинг²⁰¹ феъли уядидин айши аччиғ.

*

Киши молидин неким, баҳра олди, анингдур,
Ҳар неким асрари, ўзганингдур.

*

Мол улдурким, эл андин олса баҳр,
Душман андин топса, тенгдур нўшу заҳр.

*

Бухл ила чун ютти садаф дурр-и соф,
Қилдилар олмагида кўксин шикоф.

*

Ким истаса салтанат саходур анга шарт,
Ҳар ваъдаки айласа, вафодур анга шарт.

*

Ҳиммат аҳлики эрур тузлук аро сарв киби,
Даҳр бўстонида сарсабздуру озода,

Улки, су янглиг эрур пастниҳоду кажрав,
Чекиб афғон анга тинмаслиг эрур омода.

*

Сахий улдурки, навъе базл қилғали
Агар худ сүфра ичра бўлса иони

Ким, ул чодир қўмочидек етишгай
Гадо уйига кўзлардин ниҳоний.

Фалакдин йўкки, аввал жилва бергай
Қуёшнинг қурсидек оламға они.

*

Ато ҳам турфа ишдур турфароқ бил,
Агар йўқтур анинг ёнида миннат.

Кирмагай жаннат ичра ҳеч бахил,
Гарчи ул бўлса саййид-и Қуравший.

Бормагай дўзах ичра ҳеч сахий,
Филмасал бўлса банда-йи ҳабаший.

*

Бийик ҳимматлиг элга арз-и ҳол эт,
Замири элга нурпош элдин суол эт.
Ки бор абр-и баҳорий гавҳарафшон,
Чоқин ҳам олам аҳлига зарафшон.

*

Тиндуур бою чигайни ҳоким-и равшанзамир,
Ерутур обод ила вайронани меҳр-и мунир.

**Авлиё поясигадур етмак,
Топмаса шукру топса базл этмак.**

*

**Ҳар кимсаки, бухл иртикобидур аниңг,
Гар бўлса ғаний бухл азобидур аниңг.²⁰²**

*

**Нечуқким, эрур адл шаҳларга зеб,
Эрур ҳам гадо, хокраҳларга зеб.**

**Шаҳеким адолатдур ониңг иши,
Тенг эрмас анга шоҳлардин киши.**

*

**Гадоеки бўлғай бийик ҳиммати,
Анга паст эрур шоҳлиғ рифъати.**

*

**Кишиким ичса ҳиммат базмидин жом,
Топар ул жомдин комин саранжом.**

*

**Сажда гадо оллида эрмас қарам,
Билки қарамдур анга бермак дирам.**

*

**Кимки эрур махзан-и Корун аниңг,
Мулк-и Жаму тож-и Фариудун аниңг.**

**Базл дебон ганж эшигин очмаса,
Фойдасиз, дурру гавҳар сочмаса.**

**Фойдасиз, қилмаса зоҳир карам,
Бермаса бир базлига юз минг дирам.**

*

**Очга емак берса, ялангочга тўн,
Юз тилаганларга мингу бирга ўн.**

*

**Бу гулшан ичра йўқдур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур колса яхшилик била от.**

*

**Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,
Ҳам жонларига моя-йи дармон бўлғил.**

*

**Биравким, анга ҳиммат ўлди баланд,
Эрур одам аҳли аро аржуманд²⁰³.**

*

**Ани англа муфлиски, йўқ ҳиммати,
Чу йўқ ҳиммати, йўқ анинг ҳурмати.**

*

**Бергали олмоқ ишидин бўл йирок,
Бермак учун олмаганинг яхширок.**

*

**Бийиклик келди ҳимматдин нишона
Ки, ҳимматсизни паст этди замона.**

*

**Емас әлки, амвол аро бўлса гарқ,
Алар бирла муфлислар ичра не фарқ?!²⁰¹**

*

**Лутфу қарам гарчи эрур дилпазир
Қаҳру сиёsat ҳам эрур ногузир.**

*

**Карамсизки, бор уйда махзан анга,
Фалокат била фоқадур фан анга²⁰⁵.**

*

**Кимгаки инсоф йўқ инсон эмас,
Мунсиз атворида жуз нуқсон эмас.**

*

**Ким ўлса ҳиммат илгидин кушоди,
Не топсанким, топилгандур муроди.**

*

**Ки деҳқон неким, дона мазруъ этар,
Ани-ўқ ўтар, чунки вақти этар.**

*

Ўз ерида юз туман, ар бир дирам,
Базл ишида teng кўтар аҳл-и карам.

*

Не қушким баланд ўлса парвоз анга,
Ҳалок истамас новакандоз анга.

*

Не қушким бўлса ҳимматидин қаноти,
Эмас паст ошёнга илтифоти.

*

Хон анга ёйғилки, эрур муштахий,
Тўқ емас, ар еса бўлур мумталий²⁰⁰.

*

Сийм унидин ваҳшу сибъ этса рам,
Мунга сахо от қўяли, ё карам?!

*

Олмоқ эрур қасд анга, бермоқ гараз,
Бул ҳам ул иккидек эрур бир мараз.

*

Сочмоқ овуч бирла гуҳар от учун,
Накд этак бирла мубоҳот учун.
Ақл ҳисобидин эрур бас йироқ,
Бухл бу жудунгдин эрур яхшироқ.

Бўлди бу иш маст ила мажнун иши,
Маст ила Мажнун нега бўлгай киши²⁰⁷

*

Хушо улки оламда гар чекти ранж,
Яна олам асбобига топти ганж²⁰⁸.

ҚАНОАТ ИЗЗАТИЮ ТАМАЪ ЗИЛЛАТИ

Қаноат чашмаедурким, суйи олмоқ била қурумас ва
махзанедурким²⁰⁹, нақди сайпамоқ била ўксумас²¹⁰ ва
мазраъедурким²¹¹, тухми иззату шавкат бор берур ва
шажаредурким, шохи истиғнову²¹² ҳурмат самар келту-
рур.

*

Қаноат истиғно сармоясидур ва шарафу иззат пироя-
сидур.

*

Муфлис²¹³ қониъ — ғаний ва шоху гадодин мустағний²¹⁴.

*

Кимки иши бўлди қаноат фани,
Билки, ани қилди қаноат ғаний.
Ганжу тажаммулни ғино билмагил,
Балки ғино ганж-и қаноатни бил!

*

Кулбада дарвешки, қониъдуурур,
Фойик эрур шаҳфаки, томиъдуурур.

Чунки тамаъ бўлди гадолар иши,
Билки, гадодур тамаъ эткан киши.

*

Кимки, қаноатдин эрур ҳужжати
Яхши-ёмонга йўқ анинг ҳожати.

*

Қониъ тиланмас фарзона, қаноат туганмас хизона.

*

Қониъ дарвешнинг қуруқ иони томиъ шоҳнинг хитойий
хонидин хўброкдур ва фориг факрандешнинг ёвгон
умочи олғучи ғанийнинг наботий кулочидин маргуб-
роқдур.

*

Шоҳ улдурким, олмағаю бергай, гадо улдурким,
сочмагаю тергай.

*

Улким, қаноатқа мұътод²¹⁵ бўлди,
Шоҳу гадо тараддуидидин озод бўлди.

*

Тамаъ инъомга андоқдурки, шараҳ²¹⁶ таомга,
Ул бири дунлар²¹⁷ ҳаракоти, бу бири баҳойим²¹⁸ сифоти.

*

Қаноат гўшасин тутқилки, чун анқо²¹⁹ бу даъб этти,
Анга қушлар ичинда қурб қофида нишимандур.

**Чу парворий товугнинг оғзи тинмас туъмадин гарчи,
Ўлар охир, анга аввал катак зинданни маскантур.**

*

**Синуқ сафолеки май дурдин ичкали топсанг,
Қабул айламагил жом-и салтанат Жамдин!
Иликка кирса қуруқ ноне, маош учун чекма,
Нишот неъматининг миннатини Хотамдин!**

*

**Тамаъ этма, кўп ўлса эл моли,
Кўрмайин хақ ҳазинасин холий.**

*

**Етар чу ризқинг, агар хорадуру гар ёқут,
Ўзунгга юклама андуҳ тоғин, истаб қут.**

*

**Тамаъ мазаллатқа далилдур ва ғаний томиъ хору
залиллур.**

*

**Хорлиғлар боши тамаъ билгил,
Доимо ъазза ман қанаъ²²⁰ билгил!**

*

**Бир дирам олмоқ чекибон дастронж,
Яхшироқ андинки, бирор берса ганж.**

*

Хомтамаъ даҳрда ранжур эрур.

*

Томиъ умри зойиъу малолати шойиъ.

*

Томиъдин карам тилама, гадодин дирам тилама!

*

Элни хор айлаган тамаъ билгил,
Доимо «ъазза ман қанаъ» билгил!

*

Тинч кўнгул била ёвгон умоч яхшироқким, такаллуфу
машаққат била қандий кулоч.

*

Эски чопон била фориг туфрогда ўлтурмоқ яхшироқким,
зарбафт хафтон кийиб бирор оллида турмоқ.

*

Гадолик бўрёси узра маскан
Ки, хотир фориг ўлғай ҳар таабдин²²¹,
Кўп ортуқким бўлуб ўздекка маъмур²²²,
Хазу дебода²²³ ер тутсанг тарабдин.

*

Ганиж-и қаноат арчи эрур салтанат, валек
Элдин тамаъни узгали марданалиг керак.

Лаззот-у нафс тарки самари оғият берур,
Лек ул шажарни эккали фарзоналиг керак.

*

Қаноат тағиқига кир, эй кўнгул
Ки, хатм ўлғай ойин-и иззат санга.
Десанг шоҳ ўйлай, еру кўк басдуур,
Бу бир тахту ул чатр-и рифъат санга.

*

Таваккулни улким қўюб, хотирига,
Тушар шоҳ оллинда қуллуқ ҳавоси,

Насиби анинг бир оёқ ош эрур бас,
Агар ганжи Қорун эрур муддаоси.

Биравким, бўлур бир оёқ ош учун қул,
Юзига керактур қозоннинг қароси.

*

Кимки маҳлук хизматига камар
Чуст этар, яхшироқ ушалса бели.

Қўл қовуштурғуча бу авлодур
Ки, анинг чиқса эгни, синса эли.

Чун хушомад демакни бошласа, кош
Ким, тутулса дами, кесилса тили.

*

Эй Навоий, олам аҳлида тамаъсиз йўқ киши,
Ҳар кишида бу сифат йўқтур, анга бўлғай шараф.

Сен агар тарк-и тамаъ қилсанг, улуг ишдур буким,
• Олам аҳли барча бўлғай бир тараф, сен бир тараф.

*

**Навоий, тамаъ тухмини сочма кўп,
Риё ашкидин анга су очма кўп.**

*

**Амал мазраъин эккали берма ер,
Ҳавою ҳавас хирманин елга бер.**

*

**Кўк баҳридин яна тамаъ ком тутмайин
Ким, қатра су томизмас, эл оғзин қурутмайин.**

*

**Улки ҳақ боринда мақсад истагай ҳар зотдин,
Мехр²²⁴ боринда ёруғлук кўз тутур заротдин.**

*

Агар отинг йўқтур, арпа гамин емассен.

*

**Бировки тамаъ риштае қилғуси
Унинг бирла бўғзидин осилғуси.²²⁵**

*

**Иzzате ҳаддин кам эса хўб эмас,
Ҳаддидин ортуқ даги марғуб эмас.**

*

Иzzат бермас нақду дирам борлиғи
Ким, бўлди тамаъдин кишининг хорлиғи²²⁶.

*

Тухми тамаъки хорлик ўлмиш анинг бари,
Сен буйла хор тухмин экиб, қилма гул тамаъ.

*

Хуш улким агар чекса минг хор-и дард,
Сўнги тушса илгига бир тоза вард.

*

Хуш улким, кўнгулга кушод истабон,
Қўпуб азм қилгай мурод истабон,

*

Чунки супурги йигар инак далил
Ётмоқ эшик кейнида хору залил.

*

Оlam элида бирор саодатсиз ўлур
Ким факр йўлида итоатсиз ўлур,

Иzzат тоғмас ким қаноатсиз ўлур,
Ҳар кимса ҳасуд бўлса, роҳатсиз ўлур.

*

Ҳар кимгаки тамаъдуурор гирифторлиғи,
Не суд анга аҳл-и сахо ёрлиғи.

*

Ҳар кимки қаноат тарафи нисбати бор,
Борча эл аро тавозуъ иззати бор.
Улким тамаъу хирс била улфати бор
Яхши-ёмон ичра заллату накбати бор.

САБР ХОСИИЯТИЮ САБРСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Сабр аччиғдур, аммо судманд, қаттиғдур, аммо доғиъ-и газанд²²⁷.

*

Қайси номурод илиг сабр этагига урдиким, мурод топмади, қайси гирифтор кўнгул сабр бандига қўйдиким, кушод топмади.

*

Сабр била кўп боғлиғ иш очилур,
Ишда ошиқкан кўп тойилур, кўп тойилган кўп йиқилур.

*

Ҳар кимсаки, айламас ошуқмоқни хаёл,
Яфрогни ипак қилур, чечак баргини бол.

*

Кимки, бир шиддат аро сабру таҳаммул айлади,
Бахт анинг нишини иўшу хорини гул айлади.

*

Дўст жавридин ингранма, душман бедодидин кунг-ранма!²²⁸

*

**Бок йўқ ар кечрак ўлур қатл иши,
Ўлса, сўзунг бирла тирилмас киши.**

*

**Бурунғи йиллар ошлиқни яхши асрангким,
сўнгти йилларда ярағай.**

*

**Кўрган киши ўткарур забона,
Куйган киши кўргазур нишона.**

*

**Оз иш учун тунду итоб айлама,
Қатлу сиёсатда шитоб айлама.**

*

**Тааммул била ком пайдо бўлур,
Тахаммул била гўра ҳалво бўлур.**

*

**Не олтинки бор элга дилкашлиғи,
Ўт ичра бўлубтур жудо ғашлиғи.**

*

**Тадриж ила тифл ўлур хирадманд,
Сокинлик ила қилмиш бўлур қанд.**

*

Неча ганж ичра бўлса гавҳару дур,
Кўрки бордур анинг калиди темур.
Қуфл очарда гадою соҳиби тож
Тенг бўлурлар калидга мухтож.

*

Агар юз қатла булбул чексун афғон,
Баҳор ўлмай, гул очилмоқ на имкон,
Агар оламни тутсун шом-и дайжур,
Тонг отмай кун чиқармок, кимга макдур?!

КИБРУ ХУДПИСАНДЛИҚ ШАРОРАТИЮ ХУДНАМОЛИҚ ЖАҲОЛАТИ

Такаббур шайтон иши, бийиклик нодон иши.

*

Тўнни зарбафт айлабон хиффатдин²²⁹ учқан ҳар тараф.
Иёқ ажаб, гар бор эса дунё матоъи ком анга.

Ул чибинким, кўзга олтун англиг яшнар хилъати,
Кўпраги, билким, нажосат узрадур ором анга.

*

Журм эътирофига узр тавфиқ нишонаси ва зухд ғурури-
дин такаббур шайтон фасонаси. Бу зухд шайх-и худпи-
санд иши, ул узр ринд-и ниёзманд иши.

*

Кийиб самур ила киш²³⁰ қилма асрү раънолик,
Ипак либос ила тутма ғуур жоми тўла.

Тийиннинг²³¹ ўз туки-ўқ бўлди жонига офат,
Фарисанинг²³² паридин келди ўз бошига бало.

*

Мустағний²³³ — магбун²³⁴ мутакаббир малъун.

*

Зарбафт тўйнуг дунёгузин — нажосат устидаги илтирагучи чибин.

*

Ўзунгни зебо либос хаёлидин ўткар, либос-и зеболигни тиласанг, бир яланғочни буткар!

*

Либос ҳар нечаким зебодур, кийганингдин кийдурганинг авлодур.

*

Нечаким тўнни риоят била кийсанг, эскирур,
чунки кийдурдуң ялангга, уфрамас тўн улдуур.

*

Улки, ўзин бегангай, зике ғабоват ва улки, сўзин
бегангай, зике шақоват.

*

Оlam аҳли ўзлари қошида маҳбубдурлару сўзлари ўз элайларида²³⁵ марғуб ва башар жинси бу сифатка мажхулдурлару²³⁶ нафслари беихтиёр бу даъвога машғул.

*

Барча ўз намойишу оройишига алил²³⁷ ва бу ўз қошлирида маҳбублуққа далил.

*

Худписанд — иохирадманд.

*

Чу разл ҳавсаласиздур²³⁸, не тонг, агар ногах
Етишса мукнат²³⁹ анга, аржуманд тутқай ўзин,
Чу боиси нисён²⁴⁰ эрур, ажаб эрмас
Ки, жоҳ ани чу маст айлагай, унутқай ўзин.

*

Такаллуф эрур танға фарсудалик²⁴¹,
Анинг таркидур жонға осудалик.

*

Худписанд — иши бори элга иописанд.

*

Бутпарастлик яхшироқким худпарастлик.

*

Эранлар ясанмоғиким, намойиш учундур, хотунлар безанмагидекдурки, оройиш учундур. Агарчи бу маъно иккаласига кабихдур, аммо эрайларга кўпрак мужиб-и тафзиҳдур²⁴².

*

Худоро — шоҳид-и раъно.

*

**Эр киши кўп ясанса бева бўлғай, бу сифат зуафога²⁴³
шева бўлғай.**

*

**Эр кишига зебу зийнат ҳикмату донишдуур,
Яхши киймак бирла хотунларга оройишдуур.**

*

**Эр кишига хилъат ила не шараф,
Дурга не нуқсон, йирок ўлса садаф.**

*

**Қайси чибин кисвати заркордур,
Ери дуурур қайдаки, мурдордур.**

*

**Кунгаки, урёнлиқ эрур зийнати,
Тийра бўлур, бўлса булут хилъати.**

*

Қариким, қилғай раънолик, тифледур ноболиг²⁴⁴.

*

**Қариким, соқолин вўсма била бўяғай,
Йигитдекдурки, ани гулоб била югай.**

Эр кишиким, кўп ясангай, хирад аҳли анинг ақлидин ўсангай.

*

Хўб йиртуқ тўн била ҳам хўб, гул ямоғлиқ чопони била маҳбуб.

*

Зуҳал²⁴⁵ бийик мақом била меҳр-и ховарий бўлмас, дев биҳишт хулласин кийган била парий бўлмас.

*

Гавҳар балчиқка тушкан била қиймати ушалмасу ўз баҳосидин қолмас, эшак мунчогин тоҷга тиккан била феруза ерин тутмасу ҳеч ким анинг камбаҳолигин унутмас.

*

Зевар била шакли хўб бўлмас,
Ҳар қизки, эрур ёмон лиқолиг.
Ҳар неча қоронғу бўлса ҳужра,
Шамъ анда бўлур фузун зиёлиғ.

*

Ясанчоқ мардона бўлмас, кўпалак парвона бўлмас.

*

Сахву хато башарийят лозимидур, хатову саҳвни англаб мутанаббих бўлгай²⁴⁶ саодатманд одамийдур.

*

Хатосин зойил қилур²⁴⁷ улки, эътироф сари қайтқай ва музоаф²⁴⁸ қилур улки, далил ижро килиб ҳарза айтқай. Муболагаси неча кўпрак, саҳви пайдороқ ва мукобараси неча ортуқроқ, ўзи элга раствороқ.

*

Хатога тадорук недур? Бехилоф
Аён қилмоқ ўз саҳвига эътироф.
Ва гар қилса саҳвига ижро далил,
Ки яхшидур, айлар икки онча, бил!

*

Айлама ўз раъйингга кўп эътиқод,
Муътамад эл раъийдин иста кушод.

*

Агар қилмади эл ҳимоят санга,
Ўзунгдин керакдир шикоят санга.

*

Кабутар қаср буржида эмас шаҳ шастидин эмин,
Хушо ул чугзким, вайронна кунжин ихтиёр этмиш.

*

Иilonни киши тутса саркўфта,
Балодин қилур ўз йўлин рўфта.

*

Мил уза чиқмоқ ангаким воядур,
Чиқмоқу тушмаклик анга поядур.

*

Киши ўз мадҳин деса, чин доги бўлса иописандтур.

*

**Улки буюруб, ўзи қилмагай
ҳеч кимга фойда ва асар аниңг сўзи қилмагай.**

*

**Не шаҳдинки атбоъи хушнуд эмас,
Пушаймонлиги иш чоги суд эмас.**

*

**Не ишким шаҳ топиб андин навое
Вале юз қатла ор этгай гадое.**

*

**Поядин ортуқ киши урса қадам,
Бийм йиқилмоқдуру ранжу алам.**

*

**Касб айла нишот меҳнатойинлик аро
Ким, ишрат умиди келди ғамгинлик аро.**

**Кўрма арода ўзунгни мискинлик аро
Ким, бўлди киши ҳалоки худбинлик аро.**

ҲАСАД ИЛЛАТИЮ БАДАНДЕШЛИК КУЛФАТИ

**Улки, хаёли бари фосиддуур,
Барча салоҳ ахлиға ҳосиддуур.**

**Лаъл ҳисобида тутар хорани,
Инжу санар барча садаф порани...
Кўрса бирор хонида қурси фатир,
Дер ани кўк сахнида бадр-и мунир²⁴⁹...**

**Эл майини лаъл-и равонча тутар,
Турфа буким, хасратидин қон ютар.**

*

Ҳасуд bemor, балки муҳлик маразға гирифтор.

*

Гийбат дегучи нажосат егучи.

*

Кўзни ўз айбингдин олма ва ўзгалар айбига кўз солма!

*

**Бийнандадур²⁵⁰, ўлса киши ўз айбига ҳозир,
Кўз очма бўлургга яналар²⁵¹ айбига нозир!**

*

**Улки, сўзни бир ердин яна бир ерга еткургай,
Элнинг ўткан гуноҳин ўз бўйнига индургай.**

**Сўз тергучининг, агар кичиги, агар улуғи, билки, тамуғ
ўтининг тутруғи²⁵².**

*

**Улки, сенга эрур элдин айбгў,
Элга даги сендин ўлур айбжў.**

*

**Киши айбин юзига қилма изҳор,
Тааммул айла ўз айбингға зинҳор!**

*

**Меваға мағз улса бўлур пўст ҳам,
Кимсага ҳам душман ўлур, дўст ҳам.**

*

**Яхши ёмондин барий²⁵³ эрмас жаҳон,
Лек ёмон зоҳиру яхши ниҳон.**

*

**Чунки эрур асли ёмон иописанд,
Айламас ул яхшини аслан писанд.**

*

**Дунки, ёмон феъли анга хушдуур,
Жазмки, эл яхшиси нохушдуур.**

Бўлди чу эл қилғаниға айбжўй,
Мумкин эмас бўлмамаги айбгўй.

*

Айб кўзи чунки бўлур тезбин,
Захр кўрар, гарчи эрур ангабин²⁵⁴.

*

Айбжўй маъюб²⁵⁵, айбгўй манкуб²⁵⁶,

*

Туз кўргучи покназар, ҳунар кўргучи ростбасар²⁵⁷.

*

Элнинг махфий айбин пайдо қилмоқ — ўзин беъзтиимоду
ўзидекни расво қилмоқ, йўқким ўзининг ҳам бу навъ
айбин ошкоро қилмоқ.

*

Эл айбини айтурга биравким узатур тил,
Ўз айбини фош эткали узатур тил, бил!

*

Хасм неча ҳақир бўлса, кўнгул қўзгатур, хас неча ушоқ
бўлса, кўз булгатур.

*

Душман ғуруридин ғам ема ва маддоҳ хушомадин чин
дема!

*

Душман мақолоти — банг хаёлоти.

*

Емондин яхшилиқ кўз тутмоқ фосид хаёлдур, итдин кийиккаю мушукдин кабутарга шафқат мухолдур.

*

Зоти душману мухолифни дўст дема ва ўзунгга бозий бермаву бозий ема!²⁵⁸.

*

Табъи душман вакте дўст бўлгайким, су ўтни учурмагаю ел туфроғни совурмагай.

*

**Чу душман ўлди қадимий зиёнидин ҳазар эт!
Агарчи нутқи равонбахшу²⁵⁹ жонга роҳат эрур,
Су бирла ўт аро зиддият ўлди чун азалий,
Агар ҳаёт суйидурки, ўтқа оғат эрур.**

*

**Эл ичра, эй ҳасуд, сени қилди ҳақ залил
Ким, ноҳақ элга зидсену ҳақ молига бахил.**

*

**Бийик мақомлиғ эл тифл эканда ҳам бўлмас
Ки, тийра қилғай они жаҳлу зулмат аҳли тили.**

Қамар чароги агар бўлса барча бир кечалик,
Не навъ ўчургай они шабпарак қаноти ели.

*

Шаҳга муқарраб ўлса бирав барча хайлдин,
Эл барча душман ўлса аниг бирла важҳи бор.

Ким, хайлу моҳ ошиқу маъшук эрур яқин
Гулчеҳраеки, ошиқ анга бўлса бешумор.

Ул барчасидин ўлса бирисига мултафит
Душман бўлурда ўзгаларига не ихтиёр.

*

Не толиъдурки, ҳар кимни десам ёр,
Манга ул оқибат бўлур бадандеш.

Бирордур гар ани десам кўзумсен,
Чекар мужгон киби қасдимга юз ниш.

*

Дин аҳлидин агар топти тамаввул бириси,
Ўзгалар ҳасрат ила мол ҳадисин дерлар.

Бири ҳуд ботти нажосат ичига бўғзигача,
Ўзгалар ушбу нажосатқа ҳасад ҳам ерлар.

*

Жоҳилки, ҳасад бўлғай аниг жаҳлига зам,
Нур эл кўзидин англаса ўз кўзида кам,
Кўзларни алишмоққа чекиб тийғ-и ситам,
Эл кўзини ҳам ўйгаю ўз кўзини ҳам.

*

Ким кийнавар ўлса иста андин қочмоқ,
Нечукки заардуур ёмондин қочмоқ.

*

Тутайким, буюк тоқقا чиқсун паланг,
Тұлун ойга сакраб етургайму чанг.

Яхшироқ Жамшид бўлмоқдин гадолиг дайр аро,
Ўзга қилмоқ яхшироқким, ўзгага қилмоқ ситам.

*

Ҳар киши ким биронга қозгай чаҳ,
Тушгай ул чоҳ уза ўзи ногаҳ.

*

Тутма тузуб кийну адсоват фани,
Ўзга киши журми била ўзгани.

*

Зулм ўзунга фисқдур, эй ҳушёр,
Гум қил ани, бўлса санга ҳуш ёр.

*

Қайси асо ҳийла уйига сутун,
Кош синиб ул, бу уй ўлгай нигун.

*

Қилма улус арзу иёлиға қасд,
Айлама эл жонию молига қасд,

НАФСПАРАСТЛИҚ ҒАФЛАТИЮ МАСТЛИК ХИЖЛАТИ

Шаҳватпарат нафсиға зердаст.

*

Кўп еган кўп йиқилур.

*

Қолаб амрозининг моддаси кўп емакдур.

*

Кўп емак нафска маъмурлук.

*

Саодатманд йигитдурки, шаҳват майли қилмас, бесаодат қарининг худ илгидин ҳеч иш келмас.

*

Кўп дегучи, кўп егучи тамуғ тубига ошиқиб кеткучи.

*

Демакка машъуфу²⁶⁰ емакка мағлуб
Ҳикмат шарафидин мардуду маслуб²⁶¹.

*

Фосиқу ҳаммор²⁶² зиёнзадаву зиёнкор.

*

Афюнийу бангий одамийлар нанги.

*

Нафспарвардин ҳунар келмас емакдин ўзга,
нафспараастдин нафъ етмас демакдин ўзга.

*

Очлик ҳикмат сармоясидур
ва тўқлук гафлат пироясидур²⁶³.

*

Тўқлук хирсин кўнгулдин йўқ кил,
Ўзунг оч бўлуб, бир очни тўқ кил!

*

Мастки, феъли бари муҳмалдуур,
Кўйининг атфолига муҳзалдуур²⁶⁴.

*

Улки, ичиб бодани паймонадин,
Маст чиқар кўйга хумхонадин,
Элга қилиб ҳамла ёмон ит киби,
Қайси ёмон ит, қопагон ит киби.

*

Май не ажаб, танни ябоб²⁶⁵ айласа,
Сайл²⁶⁶ не тонг, уйни хароб айласа.

*

Бодаки, йиқмоқ сари-ўқ майлидур,
Жисм уйига билки, бало сайлидур.

*

Бодага кўргузса киши хийралиқ²⁶⁶,
Ақл чарогига берур тийралиқ²⁶⁸.

*

Ҳар киши ҳам қилса бу судин тараб,
Хонасиёҳ ўлмоги²⁶⁹ эрмас ажаб.

*

Дард ўтидур бодаву ҳирмон²⁷⁰ суйи,
Иўқки тамуг ўтию тўфон суйи.

*

Улки, умму-л-хабойис²⁷¹ бўлгай, анга шифта бўлмоққа
ҳам умму-л-хабойис боис бўлгай.

*

Емонроқ ичкучи анга мағлуброқ, ҳар неча ёмонлиги
зоҳир бўлса, анинг қошида маҳбуброқ.

*

Бадмастқа дамодам ичмакдин не баҳр
Ким, одамийлиқ қатлига ичар қадаҳ-қадаҳ заҳр.

*

**Ахсум²⁷² усруклардин хориж тарона
Телба итлар улушқандин нишона.**

*

**Мастлар орасида бир ҳушёр
Ҳушёrlар орасида бир маst ҳукми бор.**

*

**Үсерук сўзига ҳикмат мухолифи жавоб хирадманд иши
эмас ва телба рамзига ақл муқтазосидин ўзга ҳушманд
нукта демас.**

*

**Сайёднинг балиққа шаст²⁷³ салмоги нафс муддаоси
учундур,
балиқнинг ҳам қармоққа гирифтор бўлмоги жуъ²⁷⁴
балоси учундур.**

*

**Бўлди сайду сайёдга нафс орзуси қайд,
Йўқса не ул эди сайёд, не бу эрди анга сайд.**

*

**Совукда қочибон ўт шуъласидин
Тезак дуди сари қилмоқдур оҳанг —
Киши зужд ичра майдин тавба айлаб,
Нишот андин хаёл айлаб емак банг.**

*

**Шаҳо, эл жавҳари жонин чиқардинг,
Жавоҳир ҳирсидин бедод этиб фош.**

**Чу ўлгунгдур, не осиг тўкмак ани,
Мазоринг узра андоқким ушоқ тош.**

*

**Беша шерин гар забун қилсанг шужоатдин эмас,
Нафе итин қилсанг забун оламда йўқ сендеқ шужо²⁷⁵.**

*

**Елки, йигар ҳар не эл айлар нисор,
Андин эрур дарбадару хоксор.**

*

**Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,
Ҳам жонларига мояйи дармон бўлғил.**

*

**Емон била яхши орасида фарқдур,
Икки кеманинг учин тутган фарқдур.**

*

**Нафқа била нафсни тутма дариг,
Жонингга ифрат ила ҳам урма тир²⁷⁶.**

*

**Нафс амрида гар нечаким толпингасен
Кўп, гарчи бутуилик тиласанг, сингасен.**

*

**Нафски ул айши мудом истагай,
Сенга гунаҳ, ўзига ком истагай.**

*

Ўгри бош эггач қуий бордур далили эътироф.

*

**Неким бўлса музир бўлғил ҳаросон
Ки, бўлгай табъингға мушкуллар осон²⁷⁷.**

*

**То хирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри баруфтод ўлмас,
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.**

*

**Киши ҳар муддаоеким кўрар суд,
Яқин эрмас ани топмоғда беҳбуд.**

*

**Шоҳ чу бўлур бода ичиб масти хоб,
Мастлар-ўқ мулкин этарлар хароб.**

*

**Бода ичиб, қилгучилар шўру шар,
Айладилар мулкини зеру забар.**

ЙИГИТЛИК ЛАЗЗАТИЮ ҚАРИЛИК МЕҲНАТИ

**Йигитлик умр гулшанининг баҳоридур ва ҳаёт шабис-
тонининг наҳори. Бу биридин айшу нишот гулларининг
очуғлуги ва ул биридин завқу инбисот²⁷⁸ уйларининг
ёргуғлуни.**

*

**Аҳбоб, йигитликни ғанимат тутунгуз,
Ўзни қарилиқ меҳнатидин қўрқутунгуз!**

**Ойин-и²⁷⁹ адовату ҳасаддин ўтунгуз,
Ҳар навъ ўзни неча кун овутунгуз!**

*

**Шабоб²⁸⁰ майининг махмурлуғи²⁸¹ қарилиқ ва йигитлик
сиҳҳатининг ранжурлуғи қарилиқ.**

*

**Соқол оқи ўлумга пешравдур,
Тириглик сабзаси узра қиравдур.**

*

**Чун кетти йигитлигу узади қарилиқ,
Дам совуди, яъни қолмади қон ҳам исик,
Оғизга ҳаёт шарбати бўлди ачиқ,
Ўлмак яҳшироқки умр бу навъ қатик.**

*

**Ким бўлса ҳунарсиз иши-ўқ ранжи эрур,
Бу важҳ илаким ҳунари ганжи эрур.**

Эй Навоий, сендек этган зойиъ айём-и шабоб,
Суди йўқ анжум киби ашку надомат шом-и шайб²⁸²

*

Иигитликда йўл урди нафси хасуд
Надомат қарилигда эмди на суд.

*

Туфулият ўтгачки бўлди шабоб,
Хирад нури солди димоғ ичра тоб.

Кишининг бу вақт иккидур ҳолати,
Эрур ақли ё нафсининг қуввати.

Агар ақлига қувват ўлди фузун,
Бўлур яхши ишлар сори раҳнамун.

*

Ҳавас бўлса қарига навжувонлик,
Ҳижолат зоҳир айлар саргаронлик.

ФАРЗАНД ТАРБИЯТИЮ ОТА-ОНА ҲУРМАТИ

Ҳурмати волидайн²⁸³ фарзайн.

*

Бу иккининг хидматини бир бил,
Ҳар неча ифрат эса, тақсир бил!
Бошни фидо айла ота қошиға,
Жисмни қил садқа она бошиға!

Тун-кунунга айлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қүёш!
Сўзларидин чекма қалам ташқари,
Хатларидин қўйма қадам ташқари!

*

Улча эрур тифлға шойиста иш,
Билки, кичикликда эрур парвариш.

Қатрага чун тарбият этти садаф,
Эл бошига чиққуча топти шараф.

*

Итка тааллумда чу бўлди камол, —
Сайд анинг оғзидин ўлди ҳалол.

*

Олим ул итким, нажасу-л-ъайн эрур,
Ўғлунга жаҳд ўлса, ажаб шайн эрур.

Нокасу ножинс авлодин киши бўлсун дебон
Чекма меҳнатким, латиф ўлмас касофат олами.
Ким, кучук бирла хўдукка неча қилсанг тарбият,
Ит бўлур даги эшак, бўлмаслар асло одамий.

*

Она ўринин ота тутмас ўғилга,
Ки мумкиндур ўғул бўлмоқ отасиз.
Масихо бирла Марямдин қиёс эт
Ки, имкон йўқтурур бўлмоқ онасиз.

Бири этур макрамати воладайи,
Билки, мунунг қилмогидур фарзи айн.

*

Боқмаса деҳқон чаманин туни куни,
Нахл-и тарин англа қуруған ўтун.

*

Киши таълимдин топса малолат,
Топар илм ахли оллинда ҳижолат.

*

Моласиз ул тухмки, деҳқон сочар,
Сувни тенг ичмас неча яксон сочар.

*

Тушса қадаҳ аро бўлур мўр,
Тадбир керак чиқарға йўқ зўр.

*

Топтинг чу иёл яхшилик еткурргил,
Ўргат адабу яхши қилиқ ўргатгил.

*

Ушоқ қанд оқ тузга монанд этур,
Ва лекин бири туз, бири қанд этур.

Качон сочса тупроққа бүгдой бирор,
Йўқ имконки ул арна қилгай дарор.

*

Фарзанд ота қуллугин чу одат қилгай,
Ул одат ила касби саодат қилгай.

Ҳар кимки, отага кўп риоят қилгай,
Ўғлидин анга бу иш сироят қилгай.

*

Чу ёшларга боғланса мактаб йўли
Бўлур гум улугларга мазҳаб йўли.

*

Гар ўлса тарбият кам ё зиёда,
Табиат айламас тағъйир зода.

*

Зода муриду отани пир бил,
Ҳар ишида ҳукмига таъсир бил.

Бўлма бу пир олида таксирилик,
Истар эсанг давлат ила пирлиқ.

*

Не билгай ул кишиким, шаҳду майни тотмайдур,
Ки васлу ҳажр киби ул чучукдуур, бу ачиғ.

**Билур залил мусофирики пўя айларда
Қуму тўзонг юмшоғ, тогу хорадур қатиғ.**

**ТУЗАЛМАСЛАР МАЗАММАТИЮ
ЭЛ БЎЛМАСЛАР СИФАТИ**

**Лаим фарқига иқбол тожини қўймок
Яқинки, бўлғусидур мужиб-и азоби анинг.**

**Нутуқчи бошига шунқор тумагаси, тонг эмас
Ки, бўлғуси сабаб-и ранжу изтироби анинг.**

*

**Базл ҳайвонвашлар илгидин агар истар кўнгул,
Үйладурким, орзу қилғай бугу шохида гул.**

*

**Гофил ўлма, назардин итса адуду,
Шамъ ўчурганда, ел кўринурму?**

*

**Биронгаким, бирондин етди офат,
Хамоноким қатиғроқдур мукофот.**

**Бўлса илиг эгрилик ичра самар,
Эл ани кесмакда туз етгай магар?!**

*

**Музхик эрур масти чу айлар хуруш,
Сўзни тааммул била дер аҳли ҳуш.**

*

Кимники инсон десанг инсон эмас,
Шаклда ҳам, феълда ҳам яксон эмас.²⁸¹.

*

Эшак олида заъфарон хўб эмас
Ки, нодонға зарбафт марғуб эмас.

*

Экса ганий тухм, қилиб элга зўр,
Тухминни торож қилур хайли мур.

*

Не феълики келди бирордин ёмон,
Ёмонлик кўарддин анга йўқ амон.

*

Ягоч узра гар бўлса юз минг ёнгок,
Кўмар ерга ҳар не ўғурлади зоғ.

*

Эл қочса бирордин эл ёмони бил ани,
Ахволида идбор нишони бил ани.

*

Ўзидин элга дарё қатраосо,
Вале элдин ўзига қатра дарё²⁸⁵.

*

**Пашизе агар тугди эрса лайм
Мудом очмоғидин топар кўнгли бийм²⁸⁶.**

*

Голиб ўлмас чу бийм топди ғаним.

*

**Голиб душмандин ҳар дам ғофил қолма,
Ўчиролмас исён ўтиш ўз харамингта солма.**

*

**Юзига асли ёмоннинг кўп очма гулшани ҳулк,
Сияҳ гилемга албатта меҳр айлама фош.**

*

**Ки қилмади гул иси бирла тоза рух жуал,
Қуёш чарогига парвона бўлмади хуффош.**

ДУНЕ МАШАҚҚАТИЮ АНИ ОСОН ТУТМОҚ ЗАРУРАТИ

**Даҳр иши то ҳалқ ила бўлмиш ситеz,
Хордуур олимуму жоҳил азиз.**

*

**Разилға — рифъат, билиг аҳлиға ранж,
Тоғ уза хорову ер остида ганж.**

*

Чарх эрур шуъбадасанж²⁸⁷, эй кўнгул,
Топма фиреби била ранж, эй кўнгул!

*

Гулшани даҳр ичраки ҳар бебасар,
Бор эди нарғис киби кўтаҳназар,
Кўйди анииг базмида гоҳ-и фараҳ,
Сийм табақлар уза олтун қадаҳ,
Гулники, покизасиришт англади,
Зевар-и гулзор-и биҳишт англади,
Хор-и бало бирла этиб мубтало,
Ўздию совурдии ќилди жало²⁸⁸.

*

Тириг чу охир ўлар, бас ўкуш ғами муҳлиқ
Чекиб ажал мададига бу изтироб недур?!
Чу ҳар кишики, тугар, ўлмайин йўқ имкони,
Не ишки, бўлмайин имкони йўқ, шитоб недур?!

Ажал чун муқаррардур, ўлмак учун бас тамаъдин
Недур юз ғам ўтига куйдурмак ўзни?!

*

Чу туғмоқдур ўлмак учун, бас не яъни,
Ўлардин бурун ҳар дам ўлтурмак ўзни?!

*

Бўлса ғаминг, жонингга солма алам,
Бир ғам эрур бас, емагил икки ғам!

*

**Ранжинг учун жисмингга солма шиканж,
Айлама бир ранжингни икки ранж.**

*

**Неча жафо етса фалакдин, унут,
Ҳар нечаким, куллий эрур, сахл тут!**

*

**Ишки неча саъблиқ, имкон эрур
Ким ани осон тутар, осон эрур.**

*

**Шод ани бил даҳрдаким, ғам емас,
Даҳр иши чун ғам егали арзимас.**

*

**Дог кўруб кўксингга иста фарог,
Қўйма маломат била дод узра дод.**

*

**Бўлмаса тарёқ ила жонингга баҳр,
Солмагил аччиғ била жомингга заҳр.**

*

**Элга қўшулган оройиш топти,
Элдин узулган осойиш топти.**

*

Ҳар югурган ёвшас,
Ҳар айрилған қовушас.

*

Бераҳмдурур оламу золим афлок,
Бемехрдурур анжуму даврон бебок.
Қай сарв-и чаманки, жилва қилди чолок
Ким, ерга тўкулмади нечукким хошок.

*

Оlam бор эмиш, Навоиё, шўрангиз,
Оlamдағи эл боштин аёғ рангомиз.
Ишқ истар эмиш сени адам мисри сари,
Борғилки, эрур эл тилаган ерда азиз.

*

Замона хўбларининг висоли шарбатидин,
Навоиё, тилабон ком кўп чучутма мазок
Ки, ҳар пиёласи зимнида коминг эткай талх,
Сипеҳр тутқусидур юз тағора заҳри фироқ.

*

Улки, ифлосдин²⁸⁹ аёгинда
Кафш йўл азми чоги йўқтур анинг,

*

Шукр қилдег боқиб бирав сори
Ки, юуруга аёги йўқтур анинг.

*

Юз йилки киши умр тилар, бил —
Ким сабр керакдур юз йил.

*

Шоҳ ёнин фарзин киби кажлар мақом этмиш, не тоиг,
Ростравлар арсадин гар тутсалар руҳдек қирок.

* * *

Шом-и ажал уйида ётмас киши,
Умр куни гўрга ботмас киши.

*

Ҳар нечаки кимса фактромоли эса,
Ғам йўқтур сафо кўнгли олий эса.

*

Ҳар амрки бўлса ғояти бор,
Ҳар маҳлаканинг ниҳояти бор.

*

Ҳар нафасинг жавҳари эрур нафис,
Ким санга ул бир нафас эрур аниш.
Жавҳарини эйла гаранимоя бил,
Ким анга кун лаълини ҳамсоя бил.

Гардун гаҳ менга жафову дунлук қилди,
Бахтим киби ҳар ишта забунлук қилди,
Гаҳ ком сари раҳнамуилук қилди,
Алқисса басе буқаламуилук қилди.

*

Асра ўзунгни бирор озоридин,
Кимсага озурдалиқ изҳоридин.

*

Гаҳе топтим фалакдин нотавонлиғ,
Гаҳе кўрдум замондин комронлиғ,
Басе иссиғ, совуғ кўрдум замонда,
Басе аччиғ, чучук топтим жаҳонда.

ТАН СИҲХАТИЮ ТАБИБ ХОСИЯТИ

Барча лаззатни татдим, офиятдин
чучукрак шарбат топмадим²⁹⁰.

*

Омий табибким, эрур шогирд-и жаллод,
Ул тигу бу заҳр била қилғучи бедод²⁵².
Ҳозик табиб-и хушгўй тан ранжига шифодур,
Омию тунду бадхўй эл жонига балодур²⁹².

*

Ҳозик табибки, шафқати бўлгай,
Исо-ий Руҳуллоҳга нисбати бўлгай:
Исо иши чиққан жонни танға қиюрмак дуо била,
Мунуиг иши тандин чиқадурған жонға монъ бўлмоқ
даво била²⁹³.

*

Меъда ўзи хўрдидаги ошни
Ҳазм қилур, йўққи ушоқ тошни.

Моддаким бермаса марҳам кушод
Ништар-ўқ айлар анга дафъи фасод.

**Зальф ичра табиат эрса мушфик
Бехрокки, туман табиби ҳозик.**

*

**Зарари барча элга ом ўлгай
Ким, таом устига таом ўлгай.**

*

**Неча маразгаки эрур суд қанд,
Нечага ҳам захр эрур судманд.**

*

**Таомки ул мужиб-я ком эрур,
Ки ўт ранжини тортмас хом эрур.**

*

**Ҳар неча мазлум сўзи топса тул
Тул-и ҳаёт истасанг ўлма малул.**

*

**Валекин тиббу ҳикмат ҳам эрур хўб
Ки, сиҳҳатдур киши жисмида матлуб.**

*

**Ғизо бўлса муфиду табъ рогиб,
Бас эт табъинг хануз ўлғанда толиб²⁹⁴.**

*

**Бу доги топилмагуича ҳазм комил,
Бадани қилма ортуқ юкка ҳомил.**

*

**Неким бўлса мизожингга гуворо
Анга кўп майл қилма ошкоро.**

ИЗОҲЛАР ВА ШАРҲЛАР

1. Ерин — эртан, тонгла.
2. Меҳнатда чиниқмаган, сабр-тоқат билан ишлай олмаган кишининг иши унумли бўлади деб ўйлаш нотўғридир.
3. Доим фойдали ишларни қилишга ҳаракат қилгин. Лекин ҳар бир ишни бажаришда керагидан ортиқ уринма, ишнинг кўзини билиб, ўзига жабр қилмай ишлаш фойдалидир.
4. Агар хазина бўлса-ю, унинг элга фойдаси бўлмаса, ундан лаълдан метин яхширок.
5. Инсон навъи ўз жинсдоши тилсиз ҳайвондан тил, ақл ва кўнгил билан фарқ қиласди. Кишининг мана шу томони ривожланган сари унинг инсонийлиги мукаммаллашиб боради. Шунинг учун Навоий тил, ақл ва кўнгилга катта аҳамият беради ва ўз асарларида буларга алоҳида боблар ажратади. Навоийнинг фикрича, коинотнинг яратилиши ва унинг тараққиёти асосида ишқ (жозиба) ётади. Борлик ҳақиқатини идрок қилиш қуввати инсонга берилган. Бу қувват инсоннинг кўнглида, яъни унинг ички оламидадир. Кўнгилда пок ишқ пайдо бўлса, киши ҳақиқат сирларини англай оладиган даражага ётади ва мутлак гўзалликни идрок қиласди.
6. Яъни булбул гулистонга ошиқ бўлиб, ундан ишқий баҳра олгандек кўнгил ҳақиқат сирларига ошиқ бўлиб, ўзига хос бу бўстоннинг мутлак гўзаллигидан баҳраманд бўлиши мумкин.
7. «Кудс ҳарими» (поклик қўргони)дан мурод маънолар оламидир.
8. Ройиҳа — ёқимли ис.

9. Партави мисобоҳи тажаллий (қофия талаби билан «тажалло» деб ўқилган) — тажаллий чироғининг нури. Тажаллий, яъни ҳақиқат зухури чироққа ўхшатилган. Ҳақиқатни идрок қилган кўнгул маърифат нурига ҳам манзил ва ҳам манба бўлади.
10. Навоий ўзининг ҳажга мўлжаллаган маблагини халқдан йигиладиган солиқ ўрнига сultonликка топширгани ҳақида маълумотлар бор. У ҳожи увонига эга бўлишдан кўра халқнинг оғирини енгил қилишни афзал кўрган.
11. Табоҳ — бузук; табоҳий — бузуклик.
12. Подшоҳ одилу солиҳ бўлса, мамлакат обод бўлиб, золиму фосиқ бўлгандага юрт вайрон бўлганидек кўнгул соғлом, яъни ният тўғри бўлса, инсон ҳар жиҳатдан соғлом бўлади, акс ҳолда у жисман ҳам бузук, нопок ва бемор бўлади.
13. Соҳибжоҳ — мансаб эгаси, яъни ҳоким.
14. Яъни кўнгулни пок тутиб ва уни олий мақсадга йўллаб, маънавий оламдан баҳраманд бўлиш даражасига эришса, у шоҳу шоҳликни кўзга илмайдиган юксак мақомга эга бўлади.
15. Рожит — «оид»нинг маънодоши.
16. Узв — муча; аъзо «увзв»нинг кўплиги.
17. Яъни кўнгул.
18. Ваҳдат — борлиқнинг бирлиги.
19. Раёхин — «райхон» (хушбўй кўкатлар)нинг кўплиги.
20. Шамим — ёқимли ис. Бу ерда Навоий кўнгилнинг, борлиқнинг ягоналигини билдирувчи, жумладан инсонни мутлақ борлиқ билан боғловчи восита эканлигини таъкидламоқда.
21. Дард ахли — ишқ ахли.
22. Сўз — куйиш. «Сўз ахли», «дард ахли»нинг маънодоши.
23. Ананийят — манманлик.
24. «Гудоз»нинг лугавий маъноси «эриш». Бу ерда «сўзу гудоз» ёниб куйиш маъносида.
25. Эйла — «андоқ»нинг маънодоши.
26. Шаарар — учқун (ўтники).
27. Чоқин — яшин ўти.
28. Саъб — қийин,
29. Дурж — жавоҳир қутичаси.
30. Диловез — мафтун этувчи, айнан: кўнгилочар, кўнгил очиладиган.

31. «Тез» нинг биринчи маъноси ўткирdir.
32. Навоий даврида «сув» сўзи «су» шаклида бўлган, шунинг учун учинчи шахс эгалик қўшимчаси «и» кўшилганда «суви» эмас, «суйи» бўлади.
33. Хора — гранит.
34. «Мажоз»дан мурод мажозий ишқdir. Мажозий ишқ бирор шахсга бўлган конкрет, лекин пок маънавий ишқdir.
35. «Ҳақиқий ишқ» мутлақ гўзалликка бўлган абстракт ишқdir.
36. Нафй қилмоқ — инкор қилмоқ.
37. Бу ва кейинги рубоидда Навоий билиш назариясининг муҳим бир масаласида ўзининг прогрессив позицияда бўлганлигини билдирган. Бу унинг тариқатининг (билиш методининг) ҳозирги илмий методга мувофиқлигидир: инсон ҳиссиёт олами воситаси билан маъно оламини идрок қиласи, бошқача қилиб айтганда нисбий ҳақиқат мутлақ ҳақиқатни билишга олиб боради.
38. Шухуд — мушоҳада, кўриш.
39. Манзур — объект, бу ерда ишқ обьекти, яъни маъшук.
40. Ком — мақсад, тилак.
41. Тахаллуф — қаршилик қилиш.
- 41*. «Айла-дег» (айласин)даги «дег» — «сун»нинг маънодоши.
42. Сабукбор — юки енгил.
43. Фард — ёлғиз.
- 43* Инсон икки дунёнинг шарафли махлукি, ит нопок махлук, аммо бевафо киши яхшиликни биладиган вафодор итдан пастроқdir.
44. Ҳар қандай кишини ўзингта яқин, сирдош тутма, ундайлар оламда кам топилади.
45. Киши давлатли бўлганда ўзини яқин тутиб юрувчи, унга ҳамдам бўлувчи одам ҳақиқий дўст эмас.
46. Дўстларингнинг қадрини бил. Агар осмон қадар баланд мартабага етсанг ҳам ёлғиз бўлсанг, у мартабанинг фойдаси йўқ.
47. Ҳар томонга нур сочиш қуёшли оламга намоён қилди. Унинг ёғдусини кўршапалак кўришдан ожиз бўлса, ким айбдор?!
48. Одамларни юқори мартабага кўтаришдан аввал яхшилаб синаб кўр, шошилма, шу билан бирга

кишиларни озгина хатоси учун ерга уриб, хорлаш ҳам тӯғри эмас.

49. Халқнинг феълу авторидан фойдалан, лекин ўзгалар сенинг ёмон хулқингни кўриб, ундан ўрнак оладиган бўлмасин.
50. Биайниҳ — худди ўзи, айнан.
51. Гаронмоя — моҳият жиҳатидан қийматли.
52. Яъни кўнгул.
53. Яъни кўнгул.
54. Яъни жавҷар улуғлиги.
55. Саҳоб — булат.
56. Добба — улов.
57. Шиёр қилмоқ — ҳайдалмоқ (ерни).
58. Орий «холий»нинг маънодоши.
59. Арзол — «разил»нинг кўплиги.
60. Дамсоз — ҳамдам, улфатдош.
61. И nod — бўйин товлаш, ўжарлик.
62. Фарт — ҳаддан ташқарилик.
63. Сулуку оҳангин тузмак — йўл-йўригини қабул қилмоқ.
64. «Мутобаат» пайварлиқ (изидан бориш)нинг маънодоши.
65. Ижтиnob этмак — четлашмак, ўзини четга олмоқ.
66. Бу «амал» орзу-жавас маъносида.
67. Иҳонат — енгилтаклик.
68. Аблаҳ — ўта нодон.
69. Носазо демак — сўкмак, ҳақорат қилмоқ.
70. Сағиҳ — қонхўр, қон йиглатувчи.
71. Қилиниши лозим бўлган ишни агар қўлингдан келса асло кечиктирма.
72. Ақлли киши ҳеч вақт ўйламай иш қилмайди.
73. Агар ақлли бўлсанг, ҳозирги кунингни ганимат билиб, уни яхшилик билан ўтказишига ҳаракат қил. Утганга ачиниб, куюниб, келгуси тўғрисида хом хаёлларга бориб юриш жоҳилларнинг иши-дир.
74. Бугун мен дунёдаги барча илмни әгаллаган әканман, бунда менга барча жоҳиллар устозлик қилди, яъни билимсизлар билмаганини ўрганиб билимдон бўлдим.
75. Кимки жоҳил билан улфат бўлса, бу улфатчиликдан унга кўп кулфатлар етади.
76. Ўргатмоқчи бўлган ҳунарингни ўзинг яхши билишинг лозим, ўқитмоқчи бўлган билимингни

ҳам ўзинг мукаммал әгаллаган бўлишинг керак.

77. Котиб хатни хато кўчириб китобхонларга жабр қилас экан, қаламнинг учи каби қўлининг кесилгани яхши.

78. Табиатан ҳар нарсани ўрганишга қизиқувчилар оз фурсатда кўп ҳунарларни ўрганиб оладилар.

79) Агар кимки илмда ўз замонасининг яккаю ягонаси бўлса ҳам, жоҳилларга қарши курашмас экан, ундай билимдонликдан нима фойда.

80. Фоил — қилғучи.

81. Маваддат — дўстлик.

82. Муддаий — даъво қилувчи, даъвогар.

83. «Теъдод» бу ерда «такрор»нинг маънодоши.

84. Тафриқа — бир-биридан ажralиш, душманлик.

85. Мутавассит — ўртacha, оралиғдаги.

86. Ибо айламоқ — тортиmmoқ.

87. Даъб этмак — одат қилмоқ.

88. Бухл — қурумсоқлик.

89. Тифл — бола (гўдакликдан кейинги даврдаги).

90. Гўстоҳ — сурбет, уятсиз.

91. Атфол — «тифл»нинг кўплиги.

92. Яъни ўзи айбсиз бўлган киши бошқаларнинг айбини ёпиб, уларнинг фақат яхши томонини гапиради.

93. Кенгашли ишнинг ҳар қанча тортишуви бўлишидан ранжиш ўринсизdir, лекин кенгаш гоят чўзилиб кетиши ҳам тўғри эмас.

94. Қуёш ер юзига баробар нур таратади, лекин саҳрода тикан, бўstonда сарв дараҳтлариду гуллар ўсади.

95. Нотик киши узундан-узоқ сўзламайди, имкони борича қисқа сўзлаган яхшидир.

96. Ноўрин ишга ҳар қанча ҳаракат қилган билан кишининг меҳнати бекорга кетади.

97. Яхшиликни мақсад қилиб олган кишиларнигина инсон деб бил, яхши инсонларгина тилларини ёмон сўзлардан сақлайдилар.

98. Агар рост айтишни ўринсиз деб билсанг, ёлгонни ҳам гапирма.

99. Туз — тўғри, тузлук — тўғрилик.

100. Пеша — касб, одат.

101. Таярон — учиш.

102. Қарийб — яқин.

103. Шоҳид — гўзал.

104. Сипеҳр — осмон. «Сфера» сўзи билан «сипеҳр»-нинг манбай бир.
105. Қапақ йиғочи — мерганлик машқида нишона сифатида фойдаланиладиган ёғоч.
106. Шўбон — чўпон.
107. Хилқат — яратилиш.
108. Англадег — англасин.
109. Мұхажқақ — таҳқиқ этилган, ҳақиқати аниқланган.
- ✓ 110. Бошқаларга ёмонлик қилган киши, ўзи ҳам ёмонлик кўрмай қолмайди.
111. Қуёш нурини беркитишга ҳаракат қилганлар, ойни мис товоқ деб ўйлайдиганлардир.
- ✓ 112. Агар насиҳат қилувчининг мақсади фақат кишиларга яхшилик қилиш бўлса, ундан инсоннинг тенги йўқдир.
113. Сарв даражатининг доим кўм-кўк бўлиб, яшнаб туришининг сабаби унинг тўғри, адил ўсганидан-дир, яъни тўғри бўлган завол билмайди.
114. Рост сўзловчи қасддан ёлғон сўзлай олмаганидек, алдамчи, ёлғончи киши ҳар қанча ҳаракат қилмасин рост сўзлай олмайди.
115. Халқ ҳаёти тўғриликдан тинч бўлади, киши орзусига тўғрилик билан тез эришади. Тўғрилик қошида эгрилар кўп уятга қоладилар, Лекин эр киши фақат тўғриликдан ишига нажот топади.
116. Ичкилик назарда тутилмоқда.
117. Май назарда тутилмоқда.
118. Ариғ — пок, ариғсиз — нопок.
119. Ғанжи — жабдуғини узмаслиги учун от бўйнига ва ипини узмаслиги учун ит бўйнига боғланадиган таёқ.
120. Ақл билан иш тутсанг, сенга ҳеч қачон ёмонлик юзланмайди.
- ✓ 121. Ёмон ишга аралашган кишининг иши натижаси ҳам ёмонликка олиб боради.
122. Пашиб жароҳат устига қўнмоқни ҳавас қиласди, чунки қора ниятли кишиларнинг кўнгли доим хавотирда бўлади.
123. Ақлли инсон ташқи безакларга меҳр қўймайди. Зебу зийнатлари билан фахрланувчи кишиларни инсон ҳисоблаш нотўғридир.
124. Кишини яхши синамасдан туриб яхши баҳо берма,

- токи унинг ёмон хулқ-авторини билганингдан сўнг пушаймон бўлиб юрмагайсан.
125. Ибн Сино инсоннинг энг афзали ва ақллиси, кишиларнинг энг чечани дейди.
126. «Кулф»нинг бирламчи шакли «куфл»дир.
127. Лайим — пасткаш; нажанд — хор, тубан.
128. Бутмак — иономоқ.
129. Сайпамоқ — ўринисиз ёки ҳаддан ортиқ ишламоқ; исроф қилмоқнинг маънодоши.
130. Наммом — сўз ташувчи, гийбатчи.
131. «Рўзгор» бу ерда замон маъносига.
132. Надам — надомат (ўқунч).
133. Ҳол — ҳозир, ушбу вақт.
134. Мугтанаам — ганимат бўлган.
135. Мозию мустақбал — ўтмиш ва келгуси.
136. Маҳмуд — мақтовли.
137. Амроз — «мараз» (касаллик)нинг кўплиги.
138. Ҳарза — бемаъни сўзлар; ҳарзагўй — бемаъни сўзларни айтuvчи, сўзида маъно йўқ киши.
139. «Макрух» бу ерда киши жирканадиган деган маънода.
140. Тавил — узун.
141. Қариҳ — ёқимсиз, жирканч.
142. Шабиҳ — ўхшаш.
143. Мумилл — малоллик келтирувчи.
144. Лояъқил — ақли ишламайдиган.
145. Фусус — афсус.
146. Дастбўс қилмоқ — қўл ўпмак.
147. Ҳангомсиз — бевақт.
148. Узубат — чучуклик.
149. Лаййинат — юмшоқлик.
150. Мускир — маст қилғучи.
151. Синон — найза.
152. Муханнас — эрлиги йўқ.
153. Аслида «товуқ» сўзи мазкур парранданинг ҳам эркагини, ҳам мокиёнини билдиради, шунинг учун Навоий ҳозирги тилимизда «товуқ» сўзи ишлатиладиган ўринда мокиён сўзини ишлатади.
154. Димог — мия. Ҳабт — айниш.
155. Рабт — боғланиши.
156. Сарнигунлук — бош эгишлик, яъни шармандалик.
157. Тул бермак — чўзмоқ.
158. Анкабут — ўргимчак.

159. Нигунсор — боштубан.
160. Асноф — «синф»нинг кўплиги.
161. Яъни билмасдан.
162. Ижтиnob қилмоқ — четлашмоқ, четга қочмоқ.
163. Козиб — ёлғончи.
164. Бу ерда «даст» марта маъносида.
165. Кизб — ёлғон.
166. Эран — мардона.
167. Хазаф — майда сафол чиқиндилар.
168. Кўп ҳазина сарфлаб етиб бўлмайдиган мақсадга ўрни билан айтилган бир сўз орқали етиш мумкин.
169. Қиймат баҳо дурдек сўзларни сўзловчининг ўзи садафдек ҳақир, камтар бўлиши ҳеч айб эмас.
170. Заҳарли илон каби жониворларни ҳам мулойим, ширин сўз билан қўлга олиш мумкин.
171. Кўнгул сўз озоридан синса, унинг азоби жон оғриғидан кам эмас. Емон тил озоридан етадиган кўнгул яраси билгилки, танга найза зарби етказган оғриқдан ортиқдир.
172. Бухл — қурумсоқлик; баҳил — қурумсок. Бу сўзларнинг ҳasad ва ҳasadчи маъноларида қўлланиши яқинда пайдо бўлган ҳодиса.
173. Суубат — қийинчилик.
174. Ҳамл — юк.
175. Нўг — уч.
176. Бажуз — «ғайр»нинг маънодоши; «бажуз яхшилиқ» яхшилиқдан ўзга демакдир.
177. Навоий тилида «роқ (-рак) қиёс бўлмаганда, яъни «...дан ...роқ» тарзида келмаганда «энг» маъносида келади. Демак, «дилписандроқ» энг дилписанд ва «аржумандроқ» энг аржуманд деган маънодир.
178. Рожиъ — «оид»нинг маънодоши.
179. Ҳозирги «савол»нинг асл шакли «суол»дир.
180. «Хасис»нинг биринчи маъноси пастсифат, пасттабиатдир.
181. Борвар — мевали.
182. Ройиха — ёқимли ис.
183. Кашаф — тошбақа.
184. Базл — саҳийлик билан ато қилиш.
185. «Чун» (чу) ва «чунки» «-гач», «-гандা» маъноларида қўлланади, «чу жамъ ўлди» жамъ бўлгач деган маънодадир.

186. «Муруват» сўзи «мардлик», «эрлик» сўзларининг маънодошидир.
187. Қавий — кучли.
188. Халиқ — хулқли, жушахлоқ.
189. Хўша — бошоқ.
190. Мубоҳот — ўзини кўрсатиш.
191. Беклар киядиган бир тўн.
192. Яъни зотан сахий бўлган киши хоҳ камбагал бўлсин, хоҳ бой бўлсин, бунинг фарқи йўқ, у ба-рибир сахийлигича қола беради.
193. Бурч — қарз.
194. Яъни камбагал қара олиб базму зиёфат ва ҳока-золарни қилса, соқолини кулгилик қилиб олган масхарабоздай элга масжара бўлади.
195. Суд — судхўрларнинг берган қарзи юзасидан қарадордан оладиган проценти.
196. Ибром — ялиниб туриб олиш.
197. Утмак — нон.
198. Авбош — чапани.
199. Зарпош — олтин сочувчи.
200. Итлоф — талаф қилиш, яъни бекорга йўқ қи-лиш.
201. Ҳасуд — ҳасадчи.
202. Бахил киши жуда бой бўлса ҳам бахиллик азоби-дан қийнала беради.
203. Баланд ҳимматли кишилар эл орасида ҳурмат-га сазовор бўладилар.
204. Мол-дунёга гарқ бўлган бой кишилар моллари-ни ҳатто ўзлари учун сарфлашдан қизғансалар улар билан камбагал-бечоралар орасида қандай фарқ бўлади??!
205. Карам-саховатсиз кишининг уйидаги бойлиги унга факат фақирлик ва фалокат келтиради.
206. Дастурхон ёйсанг, муҳтоҷ кишига ёй, тўқ одам овқат емайди, еса ҳам саломатлигига зарар етади, яъни муҳтоҷ кишига нарса берсанг ўринли бўлади.
207. Ном таратиш учун ҳовучлаб гавҳар сочиш, мақ-танчоқлик билан этаклаб дунё сочиш ақлли ки-шиларнинг иши эмас, бундай исрофгарчиликдан кўра қурумсоқлик яхшироқдир. Бундай ўринисиз ишларни аклсиз, маст кишиларгина қилиши мум-кин. Ақли расо кишилар бундай ишларни қил-масликлари керак.

208. Тирикчилик учун керакли нарсаларни машақ-қатлар билан топган киши хазинага етишгандек хурсандчилик топади.
209. Махзан — хазина
210. Үксумоқ — камаймоқ, озаймоқ.
211. Мазраъ — экин экиладиган ер, экинзор.
212. Истиғно — мухтож бўлмаслик.
213. Муфлис — қашшоқ.
214. Мустағний — истиғно әгаси. Яъни мухтож киши, «Шоҳу гадодин мустағний», шоҳга ҳам, гадоға ҳам, яъни ҳеч кимга мухтож эмас демакдир.
215. Муътод — одатланган.
216. Шараҳ — очкӯзлик.
217. Дун — паст.
218. Баҳойим — «баҳима» (мол, ҳайвон)нинг кўплиги.
219. Фаразий бир қушнинг номи, Анқо «семрг»-нинг арабча номи деган фикр ҳам бор. «Анқо»-нинг лугавий маъноси — «бўйиндор»дир. Саъдий мазкур қуш ҳақида шундай дейди.
220. Ўазза ман қанаъ (а) — ким қаноат қилса, азиз бўлади.
221. Тааб — чарчаш, безор бўлиш.
222. Маъмур бўлмоқ — амрни бажармоқ.
223. Хаз, дебо — ипак газлама турларидан.
224. Мехр — қуёш.
225. Бир ипни ҳам бирордан тамаъ қилувчи киши ўша ипга томогидан осилишга лойикдир.
226. Кишининг бойлиги ва пули унга иззат бера олмайди, тамаъгирлик кишига хорлик келтиради.
227. Доғиъи газанд — зарарни дафъ этувчи.
228. Кунгранмок — иолимоқ.
229. Хиффат — енгилтаклик. Бу ерда енгилтаклик назарда тутилган.
230. Самур, киш — сувсар турларидан.
231. Тийин — олмахон.
232. Фариса — овланганда бўйинин йиртқич ёки ов ҳайвони синдирган қуш.
233. Бу ерда «мустағний» бойлигига мағрур бўлувчи маъносида.
234. Мағбун — алданган.
235. Бу сўз олдинги «қошида»нинг маънодоши.
236. Яъни бу сифатдин огоҳ эмаслар.
237. Алил — касал.
238. Ҳавсала — чидам, тоқат.

239. Мукнат — мол ёки мансаб имкониятлари.
240. Нисён — унутиш.
241. Фарсудалиқ — чарчаш, ишдан чиқиш.
242. Тафзиқ — уят қилиш.
243. Зуафо — «заиф(а)»нинг кўплиги.
244. Ноболиг — балогатга етмаган.
245. Зухал (сатурн) еттинчи фалакда ва наҳси акбар (энг шум) сайдёра. Қуёш эса тўртинчи фалакда.
246. Мутанаббих бўлмоқ — ўзига келмак, огоҳ бўлмоқ.
247. Зойил қилмоқ — йўқотмоқ.
248. Музоаф қилмоқ — иккиламоқ.
249. Бадр-и мунир — порлоқ тўлин ой.
250. Бийнанда — кўрувчи, кўзи очиқ.
251. «Яна» бу ерда бошқа, ўзга маъносида.
252. Тутруг — тутантирик.
253. Барий — холи.
254. Ангабин — гул шираси (нектар) ва асал.
255. Маъюб — айбли, ноқис.
256. Манкуб — ёмон ахволга тушган.
257. Ростбасар — тўғри кўрувчи.
258. Бозий бермак — алдамоқ; бозий емак — алданмоқ.
259. «Равон» сўзининг жон, руҳ маънолари бор. Демак, «Равонбахш» жон ато қилувчи демакдир.
260. Машъуф — қаттиқ берилган.
261. Маслуб — тортиб олинган; холи этилган.
262. Хаммор — майфуруш.
263. Пироя — ясанчик.
264. Мухзал — ҳазил обьекти, кулги бўлувчи.
265. Ябоб айламак — бузмоқ.
266. Ҳозирги «сел» сўзининг асл шакли «сайл»дур, ҳозирги «сайл»ники эса «сайр»дир.
267. Хиралиқ кўргузмак — хиралиқ қилмоқ.
268. Тийралиқ бермак — қоронғилаштирмоқ.
269. Хонасиёҳ ўлмоқ — уй турмуши ёмонлашмоқ.
270. Ҳирмон — ноумидлик.
271. Умму-л-хабойис — хабислар онаси, яъни ёмон ишларни туғдирувчи. Бу ичкилика берилган лақаб. Бу ердаги иккинчи «умму-л-хабойис» ичкилиқ эмас. Навоий бу гапда, ичкилиқ ёмон ишларни туғдиради, аммо унга берилишга ҳам ёмон ишлар сабаб бўлади, демоқда.
272. Аксум — тўполончи, шовқин-сурон кўтарувчи (мастликда).

273. Шаст — қармоқ.
274. Жуъ — очлик.
275. Тўқайдаги шерни енгсанг, бу ҳам шужоат эмас, агар нафс итини енга олсанг, сен оламда энг ботир кишисан.
276. Нафсинг учун зарур нарсаларни ўзингдан аяма, лекин ҳаддан орттириб ўз жонингга жабр қилма.
277. Заарали ишлардан узоқ юрсанг, мушкулларинг осон бўлади.
278. Инбисот — ёзилиш, хурсандчилик қилиш.
279. «Ойин» бу ерда одат маъносида.
280. Шабоб — йигитлик, ёшлик.
281. Махмурлук — ичкилик ичгандан кейинги нохушлик.
282. Эй Навоий, ёшлик чоғларини сен каби бефойда ўтказганлар қариганда юлдузлар каби беҳисоб кўз ёшларини тўксалар, афсус қилсалар ҳам фойдасизdir.
283. «айн» иккилик аломати; «волид» туғувчи; «волидайн» икки туғувчи, яъни ота-онадир.
284. Кўринишда ҳам, феълу атворда ҳам бир хил бўлмаган кишиларни ҳақиқий инсон деб бўлмайди. Тили бошқа ва дили бошқа одамларни яхши одам ҳисоблама!
285. Ўзининг элга қилган фойдаси дарёча бўлса қатра ҳисоблаб, элдан ўзига қатрача яхшилик келса, дарёча ҳисобловчилар яхши инсонлардир.
286. Хасис туғиб беркитган бир чақа пулининг очилиб сарф бўлишидан доим хавотирда ва ташвища бўлади.
287. «Шуъбадасанж» сўзи «шуъбадабоз» (фокусчи)-нинг маънодоли.
288. Жало — қувмоқ.
289. Ифлос — қашшоқлик.
- ✓ 290. Ҳамма лаззатли нарсаларни татиб кўрдим, буларнинг ичидаги энг ширин шарбат согломлик эканини билдим.
291. Билимсиз табиб жаллоднинг шогирдидир, жаллод тиф билан, билимсиз табиб заҳар билан кишини ўлдирувчи қотилдир.
292. Ширин сўз, моҳир табиб тан бетоблигига шифодир. Бадфеъл, аччиғи тез ва билимсиз табиб эл жонига балодир.

293. Шафқатли билимдон табиб Исога ўхшайди. Исонинг иши чиққан жонни дуо билан танга киритмоқ, табибнинг иши эса тандан чиқмоқчи бўлган жонни даво билан танда қолдиришдир.
294. Таом фойдали, иштаҳа ҳам яхши бўлса-да, соглом бўлай десанг, тўймасдан аввалроқ емакдан тўхта.

РАСМЛАРДА

1. Муқовада: Мушоира.
 2. Алишер Навоий портрети. Мусаввир Маҳмуд Музахҳиб. 1501 йил.
 3. Бадиий безакли саҳифа.
 4. Дўстона сұхбат.
 5. Қовоқ ўйини.
 6. Навфал Мажнун ҳузурида.
 7. Ҳовуз атрофида висол.
 8. Баҳром Мовий қасрда.
- Саҳифалардаги расмлар қадимий қўлёзмалардан олинди.

МУНДАРИЖА

Нафъ еткурмак манфаатию зарар кўрсатмакнинг	
мазаррати	7
Кўнгул мамлакатию ишқ салтанати	14
Дўстлук давлатию вафо ҳислати	23
Илм фазилатию жаҳл балийти	30
Адаб шарофатию адабсизлик қабоҳати	38
Тўғрилик саодатию эгрилик касофати	48
Поклик роҳатию нопоклик заҳмати	55
Тил балогатию нутқ кайфияти	58
Ҳарам кароматию бухл разолати	73
Қаноат иззатию тамаъ зиллати	87
Сабр хосийятию сабрсизлик оқибати	94
Кибру ҳудписандлик шароратию ҳуднамолик жаҳолати	96
Ҳасад иллатию бадандешлик кулфати	103
Нафспарастлик гафлатию мастилик хижлати	109
Иигитлик лаззатию қарилик меҳнати	115
Фарзанд тарбиятию ота-она ҳурмати	116
Тузалмаслар мазамматию эл бўлмаслар сифати	120
Дунё машаққатию ани осон тутмоқ зарурати	122
Тан сиҳатию табиб хосияти	127
Изоҳ ва шарҳлар	129

На узбекском языке

АЛИШЕР НАВОИ

Афоризмы

**Издательство ЦК Компартии Узбекистана
Ташкент — 1985**

**Нашриёт редактори Т. Абдуллаев
Техн. редактор Г. Ломиворотова
Корректор Д. Исакова**

ИВ № 16

**Теришга берилди 08.04.85. Восишига рухсат этилди 10.10.85.
Формати $70 \times 90'$ /32. Гарнитура школьная. Офсет босма. Шартли
босма листи 5,27 + 7 вкл. Нашриёт ҳисоб листи 3,98. Тиражи 46000.
Заказ № 920. Ваҳси силлик ялтироқ корозда босилгани 75 тийин.**

**Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Межнат Қиаси Ҳайрок орденини босмахонаси.
Ташкент, Ленин кӯчаси, 41-уй.**

Навоий, Алишер.

Ҳикматли сўзлар (Тузувчилар: А. Рустамов, М. Раҳматиллаева; Редкол.: Аҳмадхўжаев Э. Т. ва бошк.; Сўз боши А. Рустамов, М. Раҳматиллаеваниклиар). — Т.: Ўзбекистон КЦ МҚ нашриёти, 1985. — 144 б., ил. (Шарқ классиклари меросидан.)

Сарл. олдида: ЎзССР ФА. Ҳ. С. Сулеймонов номидаги қўллётмалар ин-ти.

Навои, Алишер. Афоризмы.

УзI